ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

10 июль, пайшанба 1997 йил №80 (431)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Солиқ ва молия органлари томонидан ўтказилаётган текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, республиканинг баъзи вазирликлари, идоралари, корхоналарида молиявий аҳвол қониқарсизлигича қолаяпти, ўз айланма маблағларини сақлашга масъулиятсизларча муносабатда бўлиш, талайгина маблағларни дебиторлик қарзига жалб этиш, тайёр маҳсулотнинг нормативдан ортиқча қолдиқларида ишлатмай қўйиш фактлари мавжуд.

Ўз айланма маблағларини сақлаш ва тўлдиришга масъулиятсизларча муносабат хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кооперация асосидаги алоқаларнинг бузилишига, тўланмаган қарзларнинг кўпайишига, бюджет тўловлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслигига олиб келмоқда ва умуман ижтимоий кескинликни келтириб чиқариши мумкин.

Айланма маблағларнинг сақланишини ва ўз вақтида тўлдирилиши таъминлаш учун вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш, шунингдек тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, айланма маблағларнинг сақланиши, мақсадли фойдаланилиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, холдинг компаниялари ҳамда бошқа корхоналарнинг ихтиёрий бирлашмаларида — раҳбар ва унинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, хўжалик юритувчи субъектлар даражасида эса — корхона (ташкилот) директори, унинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари ва бош бухгалтери шахсан жавобгар бўладилар.

2. Назорат қилувчи органлар, мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхона ва ташкилотларда айланма маблағлардан мақсадли фойдаланилмаганлиги ва тугатиб йўқ қилинганлиги фактларини аниқлаган ҳолларда шуларга оид ҳужжатлар уларнинг банкротлиги ва 1 бандда кўрсатилган шахсларни амалдаги қонунларда ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиш бўйича ишларни қўзғатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун тегишли органларга киритилиши белгилаб қўйилсин.

3. Истиқболсиз ва тўловга қурбсиз корхоналар ҳамда ташкилотларни аниқлаш, улар бўйича зарур чораларни кўриш борасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича қўмитанинг иши етарли эмаслиги қайд этиб ўтилсин.

4. Республика халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бўйича ҳамда корхоналар банкротлиги ва санациялаш масалалари бўйича ҳукумат комиссиялари (У. Т. Султонов) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва прокуратураси билан бирга бир ой муддатда:

тармоқлар ва ҳудудлар бўйича дебиторлик-кредиторлик қарзлари ҳосил бўлиш сабабларини пухта таҳлил этиб, ўз ваколати доирасида ҳисоб-китоб ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилсин;

ҳисоб-китоблар ҳолатини нормаллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб, бунда қарздорликнинг кўпайиши — айланма маблағларни тугатиб йўқ қилиш, улардан мақсадли фойдаланмаслик, тайёр маҳсулотнинг нормативдан ортиқча заҳираларига ва тугалланмаган қурилишга актив айланма маблағни жалб этиш сабабларини бартараф қилишга алоҳида эътиборни қаратсин;

банкротлик билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишни тезлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқсин. Иқтисодий ночор корхоналар ва банкрот корхоналар бўйича ишларнинг аҳволи матбуот ва телевидение орқали кенг ёритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, холдинг компаниялари ва алоҳида корхоналар билан бирга 1997 йилнинг 1 ярми якунлари бўйича республика иқтисодиёти тармоқларида айланма маблағларнинг ҳолатини кўриб чиқсинлар, айланма маблағларнинг сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши устидан, уларни тўлдириш манбаалари устидан қатъий назоратни таъминлаш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиб, тақдим этсинлар.

6. Вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, холдинг компаниялари ва алоҳида корхоналар бир ой муддатда айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар, бунинг учун ўзларининг реал манбааларини аниқлаб олсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хўжалик-молия фаолияти билан боғлиқ амалдаги норматив ҳужжатларга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиб, уларда айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш чораларини, ҳатто жиноий жавобгарлик чораларини кўзда тутсин. Амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар талаб этилган ҳолларда ўз таклифларини Олий Мажлиса киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 9 июль.

Ўзбекистон ва жаҳон

ЕВРОПАГА ТЕНГЛАШИБ

11—14 июль кунлари Ўзбекистонда нуфузли халқаро тузилма — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Саркотиби Джанкарло Арагона бошлиқ делегация меҳмон бўлади.

Узбекистон Республикаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)га 1992 йилнинг 30 январида тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Прага шаҳрида бўлиб ўтган ЕХҲТ Кенгаши йиғилишида Узбекистон ушбу ташкилотнинг бир қатор муҳим шартномалари, хусусан 1975 йилги Хельсинки якунловчи акти, Париж хартияси ва бошқа ҳужжатларга қўшилганлигини маълум қилди. Ушандан буён ўтган қисқа давр ичида Ўзбекистон билан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик жуда самарали ривожланди. Давлатимиз ЕХҲТнинг турли халқаро анжуман ва учрашувларида ўзлуксиз иштирок этиб келмоқда, шунингдек мазкур ташкилот доирасидаги бир қатор анжуманлар пойтахтимиз Тошкентда ҳам ўтказиб келинмоқда. Жумладан, 1994 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда ЕХҲТнинг умумий масалалар бўйича семинари бўлиб ўтди. Унинг ишида ташкилот вакиллари, шунингдек Марказий Осиё давлатларидан келган меҳмонлар иштирок этдилар. 1995 йилнинг сентябрида ўтказилган навбатдаги анжуман эса Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш бўйича комплекс тизимлар ишлаб чиқиш, тинчликни сақлаш, миллатлараро низоларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш каби қатор муҳим масалалар муҳокама этилди. 1996 йилнинг сентябрида эса пойтахтимизда ЕХҲТ ташаббуси билан инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар мавзусига бағишланган семинар ўтказилди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1995 йили Тошкентда очилган минтақавий ваколатхонаси республикамизнинг ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан йўлга қўйган алоқалари мустаҳкам ва икки томон ўртасида катта ишонч мавжудлигининг исботи бўлди.

Ана шу йирик ташкилот Саркотиби Джанкарло Арагона раҳбарлигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи мавжуд ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. ЕХҲТ Саркотиби ташриф давомида республика раҳбарияти билан учрашади. Бундан ташқари, Жаноб Джанкарло Арагона Тошкентдаги республика инсон ҳуқуқлари миллий марказида ҳамда ЕХҲТнинг минтақавий ваколатхонасида бўлади. Учрашув ва музокаралар давомида Узбекистон билан ЕХҲТ раҳбари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, янги ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалаларини муҳокама этади.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Саркотиби Джанкарло Арагонанинг мамлакатимизга ташрифи Узбекистон билан Европани бир-бирига яқинлаштиришдаги муҳим қадамлардан бири бўлиб қолади.

Хайрулло НУРИДДИНОВ, шарҳловчи.

Республикамиз мустақиллигининг 6 йиллиги олдидан

«КИБО» БОЛАЛАР ПОЙАФЗАЛИ

Мазкур қўшма корхонанинг ташкил этилганига ярим йил бўлди. Шу давр мобайнида жамоа аъзолари ишлаб чиқарган болалар пойафзали ихчамлиги, замонавий ва чидамлилиги билан харидорлар эътиборини қозонди. «Кибо» болалар пойафзали қўшма корхонаси «Узенгилсаноат»-Узбекистон енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси, очиқ турдаги «Бахт» ҳиссадорлик жамияти ва Олмониянинг «ЭВИМЕКС» фирмалари (машҳур «Саламандер» фирмасининг дистребютери) иштирокида тузилган. Қўшма корхона ишлаб чиқариш тизимлари олмониялик мутахассислар томонидан тайёрланган замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Пойафзаллар учун хом ашё Олмониядан келтирилмоқда. Бўёқ ва безак ашёларини италияликлар етказиб бермоқдалар. «Кибо» корхонасида йил охиригача 250 минг дона 11 турда арзон ва бежирим болалар ва ўсмирлар пойафзали ишлаб чиқарилади.

Корхона ишлаб чиқариш қувватига эришганда эса бу кўрсаткичлар икки баробарига кўпаяди.

Қўшма корхона маҳсулотларига Қозоғистон, Россия ва Болтиқ бўйи давлатлари савдо ташкилотларидан буюртмалар қабул қилинди.

Яқинда Чирчиқ шаҳрида корхонанинг фирма дўкони фаолият бошлади.

Суратларда: корхонага ўрнатилган замонавий ускуналар тизими. Бу бежирим пойафзаллар тез орада савдо расталаридан жой олади.

В. ЧЕРНЯЕВ олган суратлар

ФАН БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМКОРЛИГИДА

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган аграр сиёсат мустақил Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожланган давлатлардаги даражага етказишга, аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга қаратилган. 1996 йил 3 апрелда эълон қилинган «Қишлоқ хўжалигини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармон, ушбу фармонни амалга ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарор ана шу сиёсатнинг мантиқий давомидир, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган дастури эса уни амалга ошириш йўлидаги дадил қадамдир.

Дастурда республикамизда ҳар гектар ер ҳисобига пахтадан 30-32, галладан 35-40, маккажўхори донидан 55-60, шолидан 45-50, сабзавот экинларидан 250-300, картошкадан 180-200 центнердан хосил олиш кўзда тутилган.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, Узбекистонда пахта асосий экин бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. **«Ўзбекистон дунёда йирик пахта етиштирувчи давлатлар қаторига киради ва у ҳақли равишда пахтачилик бўйича халқаро кенгашув қўмитаси аъзоси эканлиги шарафлидир»**, деди республикамиз Президенти Ислом Каримов 1996 йил октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро пахтачилик кенгашув қўмитасининг 55-ялпи йиғилишида. Пахтани экспорт қилиш бўйича дунёда шарафли иккинчи ўринни сақлаб туриш мақсадида Президентимиз пахтакорлар олдига бешта муҳим вазифани қўйди: пахта ҳосилини ошириш: тола сифатини яхшилаш: сифатли уруғ етиштириш: суғориладиган сувдан оқилона фойдаланиш; атроф муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш. Бу вазифаларни бажариш учун агроэкологик ва гидрогеологик шароитларга кўра экинларни алмашлаб экиш тизимлари, мелиоратив ва агротехник тадбирлар, суғориш усуллари, тартиблари ва техникаси, маҳаллий ва минерал ўғитлар меъёрлари, формалари, қўллаш усуллари, муддатлари, чуқурликлари ва уларнинг нисбатлари, дефляция ва эрозия жараёнларига қарши самарали тадбирлар ишлаб чиқиш, зараркунандалар, касалликлар ва хашоратларга қарши кураш чоралари ҳамда кам қувват, энергия ва ҳаракат сарфланадиган мажмуий тадбирларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Тўғри, селекционер олимларимиз томонидан бир қатор (Наманган-77, С-6524, Бухоро-6, Фарғона-3, Ан-Боёвут-2, Термиз-31 ва бошқалар) серҳосил ғўза навлари яратилган ва улар кенг майдонларда экилмоқда. Шунингдек, юқори ва сифатли ҳосил берадиган тезпишар Хоразм 127, Фарғона-5, СоюзНИХИ-11, С-9074, Оқдарё -6 ғўза навлари туманлаштириш арафасида, пахтачилик тарихида биринчи маротаба УзПИТИда тоталаси 1-типга мансуб «Термиз-32» ғўза нави яратилган бўлса-да, ҳамон сув кам истеъмол қиладиган, тузга, касалликларга, қийин шароитларга чидамли, барги етилганда табиий тўкиладиган серҳосил толасининг сифати ва айниқса чигитининг таркибида мой миқдори юқори бўлган жуда тезпишар ғўза навларини яратиш ва амалиётга тезда жорий қилиш муҳим масалалардан бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари пахта толасининг сифатини аниқлашда халқаро андозага ўтилиши муносабати билан селекционерларимиз тола сифатини янада яхшилаш борасида олиб бораётган изланишларини жадаллаштиришлари лозим.

Маълумки, яхши уруғ юқори ҳосил гаровидир. Лекин ҳанузгача сифатли уруғлик чигит етиштириш долзарб вазифалигича қолмоқда. Жаҳон банки иштироки ва маблағи ҳисобига амалга оширилаётган пахтачиликни такомиллаштириш лойиҳасида уруғчиликни йўлга

(Давоми 2-бетда)

Етти иқлим нафаси

Мадрид шаҳрида НАТОга аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашувида ушбу ҳарбий тузилмага шарқий Европа мамлакатларини қабул қилиш масаласи кўрилди. АҚШ президенти Билл Клинтон таклифи билан Шимолий Атланта ҳарбий блокига биринчилар қаторида Польша, Венгрия ва Чехия давлатлари қабул қилиндилар. Руминия, Словения каби бошқа шарқий Европа мамлакатлари НАТОга кейинчалик аъзо қилиниши кўзда тутилди.

* * *

Россия Ташқи ишлар вазири Евгений Примаков Москвада бўлиб ўтган Тожикистонда миллий ҳамжиҳатлик ўрнатиш бўйича комиссия йиғилишини юқори баҳолади. Унинг таъкидлашича, комиссиянинг биринчи йиғилиши Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади

* * *

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН) шу ҳафтада Камбоджадаги аҳволни муҳокама этиш мақсадида навбатдан ташқари анжуман ўтказади. Бу ҳақда АСЕАНга раҳбарлик қилиб турган Малайзия ҳукумати маълум қилди. Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Камбоджада бир неча ойдан бери давом этиб келаётган қуролли тўқнашувлардан хавотирга тушмоқдалар.

* * *

Июль ойининг иккинчи ярмида Албаниядаги халқаро тинчликпарвар қўчлар олиб чиқиб кетилади. Бу ҳақда мазкур қўшинга қўмондонлик қилаётган италиялик адмирал Гидо Вентурони маълум қилди. Европанинг ўн беш мамлакати ҳарбийларидан иборат ушбу қўшин Албанияга бу ерда тинчлик ва барқарорликни таъминлаб туриш мақсадида киритилган эди.

* * *

Босния сербларининг раҳбари президент Биляна Плавшич мамлакат парламентини тарқатиб юбориш билан унинг аъзолари томонидан қаттиқ норозиликка учради. Аммо ғарбий Европа давлатлари, шунингдек АҚШ ҳукумати Плавшич ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар. АҚШ мудофаа вазири Уильям Коиннинг баёнот беришича эса, Америка ҳукумати Босния сербларининг собиқ раҳбари — ҳарбий жиноятчи Радаван Караджични қўлга олишда президент Плавшичга яқиндан кўмак беради.

* * *

Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяху Фаластин раҳбарияти билан Хеврондаги аҳволни барқарорлаштириш юзасидан музокаралар олиб боришга тайёрлигини билдирди. Урдун дарёсининг ғарбий соҳилидаги ушбу шаҳарда сўнгги кунларда фаластинликлар ва Исроил ҳарбийлари ўртасида жиддий тўқнашувлар бўлиб, 200 дан ортиқ киши яраланган.

* * *

Албания социалистик партияси раҳбари Фатос Нанонинг баёнот беришича, мамлакатга ушбу партиянинг бош котиби Режеп Мейдани президент бўлади. Социалистлар Албанияда ўтказилган сайловларнинг ҳар икки босқичида кўп овоз олиб, ғалаба қозондилар. Шу сабабдан мамлакат президенти лавозимига ўзларининг номзодларини таклиф этишга ҳақлидирлар. Фатос Нанонинг ўзи эса Албания Бош вазири лавозимини эгаллаш ниятида.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

Ислоҳот одимлари

ДАРОМАДНИНГ БУРОМАДИ

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида бу йилдан эътиборан яхши бир иш йўлга қўйилди. Жамоалар билан шартнома тузиш масъулиятини фермер эмас, балки туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ўз зиммасига олди.

— Нега шундай жиддий қарорга келдингизлар? — сўраймиз Ҳайдар акадан.

— Чунки фермерларимизнинг қимматли вақтлари пешона тери билан топган пулларини ўз ҳисоб рақамига тушириш ташвишларига кўп сарф бўлмоқда. Мақсадимиз уларни ҳимоя қилишдан иборат.

Туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Ҳайдар ака Иброҳимов саволимизга лўнда жавоб бераркан, диққатимизни айрим таҳлилий мисолларга жалб этди. Ҳақиқатан, ҳам шўрчилик фермерлар хусусий мулк қилиб олинган ердан унумли фойдаланишмоқда. Утган йилнинг ўзида 900 тонна дон қабул пунктига топширилди. Дон ҳосили сарфланган харажатга нисбатан анча паст нархда олингани ҳам майли, лекин ўша даромаднинг фермер ҳисоб рақамига тушиши қийин кечаётганига нима дейсиз? Жавоб доим бир хил: «Ғаллабанк»да ҳозир пул йўқ. Маблағ келиши билан ўтказиб берамиз». Фақат шугинами? Даладан йиғиб олинган пахта савдоси ўлда-жўлда. Фермерга гоҳ-гоҳ 1—2 тонна атрофида ёг берилди, холос. «Ювуниб турингларчи, қолгани ҳам бир гап бўлар» қабилидаги бу аноийи «тадбирлар» фермер ҳафсаласини пир қилмоқда.

Ваҳоланки, 160 та деҳқон-фермер хўжалигининг 143 таси деҳқончилик билан шуғулланмоқда. Улар мамлакат иқтисодини мустаҳкамлашга ҳисса қўшайин ва оиламнинг ислоҳот даврида қийналиб қолмаслигига эришайин, деб жами 845 гектар ерни хусусий мулк қилиб олишган. Таъкидланганидек, ҳаракатлар ёмон эмас. Фақат у келтирган барокотдан фермер етарли манфаатдор бўлолмаяпти.

Биласиз, ердан ҳосил олишнинг ўзи бўлмайди, — дейди Ҳайдар ака. — Бунинг учун елиб — югуриш керак, ўз техникасига эга бўлмаган фермер механизаторни ёллаб (яъни нақд пул бериб) ер ҳайдамоқда. Минерал ўғитни катта маблағга сотиб олиш билан бирга ташиб келтириш харажатини ҳам кўтармоқда.

Тўғри, бу ишларни бошқа биров бажариб берса, фермернинг жамоа хўжалиги аъзосидан фарқи қолмайди. Аммо фидойилик ортида моддий манфаатдорлик турмас экан, фермернинг тинкаси қуриши турган гап.

Ҳайдар Иброхимов ташвишлари бежиз эмас. Қоларверса, у муаммолар ечимини раҳбарлар ҳал этиб беришини кутиб яшаётгани ҳам йўқ. Куни кеча Шўрчи туман ҳокимлигига ўз таклифи билан кирди. Ҳоким Эшболта Шерматов ҳам тажрибали эмасми, яхши ишга дарҳол қўшилдилар. Шундай қилиб, шўрчилик фермерларга алоҳида техника хизмати кўрсатадиган сервис очиладиган бўлди. «Бизнес фонд»нинг туман бўлимидан олинадиган маблағ ҳисобига қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинади. Бу техникалар нафақат экин экиш, балки ҳосилни йиғиб олиш ва сотиш юмушларида ҳам ишлатилади.

Бу туманда 17 нафар фермер чорвачилик билан шуғулланмоқда. Фермерларга қарашли чорва моллар маҳсулдорлиги ошириляпти. Айниқса, тумандаги Алихон Сафаров номли жамоа хўжалигида фаолият юритаётган фермер Аҳмад Қудратов тажрибаси ибратлидир. Шу билан бирга «Саид Абдулла», «Зоқир» ва «Акбар» деҳқон-фермер хўжаликлари ҳам ғўшт, сут етиштириб, истеъмол бозорини тўлдиришга баҳоли — қудрат ҳиссаларини қўшишмоқда.

Бу чорвадор-фермерлар ҳам худди деҳқон фермерлардек, топган даромадлари йўлида сарсон-саргардон эмасми? — деган савол туғилиши табиий. Тўғрисини айтганда, молиявий масалада улар ҳам танг аҳволга тушиб қолган. Биргина «Саид Абдулла» деҳқон-фермер хўжалиги туман ташкилотларига пул ўтказиш йўли билан берилган сут ҳақини ололмай неча ойдирки овора. Оқибатда чорвадор фермерлар омухта емни ўз вақтида олишолмаяпти.

Бозор муносабатларига ўтиш даври чорраҳасидаги бу каби «манзара»лар шўрчилик фермерларнинг асло шаштини қайтараётгани йўқ. Мулкдорлар инсон манфаатлари йилида 1400 тонна сут, 500 тонна ғўшт, 1000 тонна дон ва 510 тонна пахта етиштириш ҳаракатида. Бунинг учун туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, Шўрчи пахта тозалаш заводи, Термиздаги, «Ғўшт» ҳиссадорлик жамияти, Шўрчи дон қабул қилиш пункти ва тумандаги қатор жамоалар билан шартнома тузди. Энди насия деган гап бўлмайди. Тузилган шартнома ўз кучини кўрсатади. Бор гап ҳам шунда-да! Меҳнатни фермер қилдими, вақти соатида унинг роҳатини ҳам кўрсин. Ана шунда мустақил юртимиз фермерларининг кимлиги билинади.

Н.ЗИЁЕВ, Сурхондарё вилояти.

ФАН БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМКОРЛИГИДА

(Боши 1-бетда)

қўйиш алоҳида ўрин тутиши, Узбекистоннинг МДҲ уруғчилик масалалари бўйича давлатлараро координацион кенгаши аъзолигига сайланганлиги юртимизда юқори сифатли уруғлик чигитни етиштириш ҳамда ҳар бир ғўза навига монанд агротехникани яратиш борасидаги масалаларни тез орада ечишга катта имкон беради.

Тупроқнинг унумдорлигини муттасил оширишда экинларни алмашлаб экиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда ғалла мустақиллигига эришиш мақсадида ҳукуматимизнинг қарорига биноан суғориладиган ерларда бошоқли дон экинлари майдони кескин ортганлиги экинларни навбатлаб экишнинг янги тизимларига ўтишини тақозо қилади. Ғўзани беда, ғалла, дуккакли дон ҳамда емхашак экинлари билан навбатлаб экишнинг тупроқнинг унумдорлигига, агрофизик хоссаларига, мелиоратив ҳолатига ва пахта ҳосилига таъсирини аниқлаш борасида чуқур тадқиқотлар ўтказиш лозим бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тупроқ унумдорлигини сақлаб туриш ва янада ошириш мақсадида пахта-ғалла алмашлаб экиш тизимига албатта, бедани киритиш лозим. Агарда умумий пахта-ғалла майдони 80 фоизга тенг бўлса, яна 20 фоиз ерларда беда етиштирилиши керак. Ундан ташқари, дуккакли ва оралиқ экинлар майдони кенгайтирилиши зарур. Бунда дуккакли зироатлар донли экинлар билан биргаликда аралаштириб экилса, тупроқ азот ва чириндига бой бўлади. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, тупроқдаги чиринди миқдорини камайтирмаслик учун дуккакли зироатлар майдони асосий ва такрорий экишда 2000 йилга қадар 854 минг гектарни ташкил қилиши керак. Шунда 2000 йилдан бошлаб пахта майдонларининг 33 фоизида ғўза дуккакли зироатлардан кейин экилади. Ҳозирда эса булар тупроқнинг хусусиятларига пахта ҳосилига қандай таъсир қилишини тадқиқотлар ўтказиб тезда аниқлашни тақозо этади.

Пахта ҳосили ва унинг сифатини оширишда агротехник омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. 1995-1996 йилларда Узбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган чигитни пленка остига экиш усули Андижон вилоятида кенг синовдан ўтди. Аниқланишича, чигит барвақт пленка остига экилиши ҳисобига ғўза дуркун ривожланиб одатдагига нисбатан 10-15 кун эрта пишиб етилади. Натижада пахта ҳосили гектарига 8-10 центнерга ортади, суғориладиган сув 30 фоизгача тежалади. Ҳосил териб олингандан сўнг, ерни ўз муддатида, яъни октябрнинг ўрталарида шудгор қилиб кузги бошоқли дон зироатларни экишга имкон яратилади. Мақбул муддатларда экилган бошоқли дон зироатларидан эса гектаридан 50-60 центнер дон олиниши таъминланади. Жорий йилда республикамиз бўйича қарийб 200 минг гектарда чигит пленка остига экилган бўлса, келажакда бундай майдонлар янада кенгайиши мўлжалланмоқда. Чигитни пленка остига экиш йиллари бу усулни янада такомиллаштириш кераклигини кўрсатди. Шу сабабли, институтимизда ва унинг вилоятлардаги бўлимларида чуқур кенг қамровли, яъни ғўзани озиқлантириш ва суғориш тартиблари ҳамда бошқа агротехник омиллар мажмуи устида илмий ишлар олиб борилмоқда. Конструктор ва муҳандислар эса бирваракайига бир неча иш жараёнини бажара оладиган, такомиллашган янги сеялкалар яратиш устида ишлашлари зарур.

Республикамизда суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлар майдони 4,3 млн гектарни ташкил қилади. Суғориш учун фойдаланиладиган сув миқдори 55-60 млрд кубметрга тенг бўлиб, далаларнинг сув билан таъминланганлиги 80 фоиздан ошмайди. Кам сувли тизимларда бу кўрсаткич 65-70 фоизни ташкил этади, холос. Шунинг учун суғоришда фойдаланиладиган сувни тежаш масаласи жуда долзарбдир. Яна шуни таъкидлаш керакки, эгатлар орқали бостириб суғориш усулида далаларда сувнинг 30 фоизи оқава сифатида бефойда сарфланади, исроф бўлади, нишаб ерларда эса оқава миқдори 40-50 фоизга етади. Бу фақат суғоришнинг самарасини пасайтириб қолмай, балки ернинг сув-физик ва мелиоратив ҳолатини ҳам ёмонлаштиради, тупроқ унумдорлигини пасайтиради, атроф-муҳитни ифлослантиради. Айниқса, сувнинг бекор сарфланиши кузги бошоқли дон экинларини суғоришда кузатилади, чунки куз ва баҳор илиқ келганда уларни тупроқнинг механик таркибига кўра 5-7 марта суғоришга тўғри келади. Демак, бу зироатларни суғоришнинг тежамкор, самарали усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш зарур. Ғўзани суғориш масаласига келсак, бунда сувни тежовчи технологиялар ишлаб чиқилган бўлса-да, уларни такомиллаштириши ва юқори самарали усулларини яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш лозим.

Ғўзани томчилатиб суғориш истиқболли усуллардан ҳисобланади. УзПИТИда кўп йиллардан бери Узбекистоннинг турли тупроқ-иқлим шароитларида, яъни Тошкент, Жиззах, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган изланишлар натижалари эртапишар, юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш ҳамда суғориш сувини 40-50 фоизгача тежаш мумкинлигини кўрсатди.

Сувни тежовчи технологияда бентонит лойиҳаларидан фойдаланиш юқори самара бериши аниқланди. Сув ўтказиш қобилияти юқори бўлган қум ва қумлоқ тупроқларда бентонит лойиҳалари қўлланилса тупроқнинг физик, сув-физик хоссалари яхшиланади, суғориладиган сув 15-20 фоиз миқдорда тежалади, унинг таркибидаги макро ва микроунсурлар ҳисобига пахта ҳосили ҳам ошади.

Узбекистонда суғориладиган ерларнинг 2 млн гектардан зиёдроғи шамол, 722 минг гектари ирригация ва 40 минг гектари эса жарланиш эрозиясидан зарар кўради. Бундай майдонларда ғўза етиштирилганда йилига 250-300 минг пахта ҳосили йўқотилади. Деҳқончиликнинг янги тизими асосида эрозия зарар етказадиган минтақаларда тупроқни муҳофаза қилувчи махсус алмашлаб экиш, ерга ишлов бериш ва суғориш тизимлари, ўрмон иҳотазорлари, кулисли тусиқлар барпо қилиш, қумларни рекультивациялаш, органик, органо-минерал ва минерал ўғитларни табақалаштириб қўллаш ва бошқаларни янада чуқурроқ ўрганиш лозим. Республикамизда 2,2 млн гектардан ортиқроқ суғориладиган майдон турли даражада шўрланган. Бу ерда пахта ҳосили одатдагига нисбатан паст бўлади: кам шўрланган тупроқларда - 15-20 фоизга, ўртача 35-40 фоизга ва кучлида 70-80 фоизга. Шунинг учун шўрланган тупроқларда гидромелиоратив ва агромелиоратив мажмуий тадбирларни (шўр ювиш, ерларни текислаш, коллекторзовур тизимини тозалаш ва таъмирлаш, бедда экиш ва бошқалар)ни такомиллаштириш, арзон ва самарали усулларини ишлаб чиқиш учун чуқур тадқиқотлар ўтказиш лозим.

Фан билан ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлиги доим ижобий натижалар берган. Ишончимиз комилки, пахтачилик соҳасидаги ҳамкорлик ҳам фаннинг, ҳам иқтисодиётимизнинг муҳим тармоғини ривожланишига замин яратади.

С.РАҲМОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институти бош директори, профессор.

«Ўзбекбургаз» трестига қарашли «Ўзпаравтотранс» ҳиссадорлик жамияти хизматчилари Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида фаол қатнашмоқдалар
Суратларда: Я. СОДИҚОВ ва Т. ЁДГОРОВ; пастда (чапдан) У. ХОЖИЕВ, Н. РАҲИМОВ, А. ГАФФОРОВ ва Т. ХОЛНАЗАРОВ
Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар

1997 йил- инсон манфаатлари йили

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

10 июл 2

Маълумки, касаба уюшма қўмитаси нафақат инсон саломатлигини муҳофаза қилишга ҳисса қўша қолмай, балки уларнинг меҳнат қилиши ва дам олишлари учун ҳам шароит яратади. Шунингдек, иқтисодий маънавий-маърифий ҳуқуқий, маданий хуллас моддий жиҳатдан тўқ, фаровон, тинч-тотув ҳаёт кечиришига даҳлдор бўлган барча ишларда фаол иштирок этади. Айниқса, истиқлол замонига келиб касаба уюшмаларининг фаолияти кескин ўзгарди. Одамлар нафақат моддий қийинчиликлар балки ўз шахсий ҳаётларида юз берган ўзгаришлар, камчилик ва муаммоларни ҳал этиш учун ҳам илк бора касаба уюшма қўмиталарига мурожаат қилиб, ундан мадад сўрайдиган бўлдилар. Бас, шундай экан бу ташкилот инсон ҳаётига даҳлдор бўлган барча ишлардан доимо воқиф бўлиб турмоғи, уни бир зум ҳам унутиб қўймаслиги лозим. Зеро, бу йил инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди.

Хоразм вилоятининг Шовот тумани касаба уюшмалари мувофиқлаштириш Кенгаши меҳнаткашларни иқтисодий ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялашда туман ҳокимлиги билан келишган битим, шартнома асосида уз фаолиятини такомиллаштириб бормоқда. Ушбу битимга биноан ҳокимлик ва касаба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгаши Узбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларига асосан иш кўриб, барча соҳалардаги ислоҳотларни изчил амалга ошириш, умумий иқтисодий вазиятни яхшилаш, аҳолининг ишга яроқли қисмини фойдали меҳнатга жалб этиш, реал даромадларни ошириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳамда ижтимоий кафолатларини таъминлашда, амалий ҳамкорлик қилишнинг муҳимлигини тушуниб, фуқаролар фаоллигини оширишни уз олдиларига долзарб вазифа этиб қўймоқдалар.

Улар туман аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларини кўп болали оилалар, якка-ёлгиз яшовчилар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар, нафақахўрлар ва бошқа кам таъминланган фуқароларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Утган 1996 йили касаба уюшмалар томонидан аҳолига 567 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, деҳқонлар ва фермер хўжаликлари аъзолари ишлаб чиқариш корхоналари, очиқ турдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчиларидан 416 нафар киши Республиканинг энг баҳаво сиҳатгоҳларида даволаниб, ҳордиқ чиқардилар. Шу жумладан 40 нафар киши йўлланмалар билан бепул таъминланган бўлиб, шундан 28 нафарини кам даромадли оилаларда яшовчилар ташкил этади.

Йил давомида хўжалик ва ташкилотлар томонидан жами 2320 оилага 1,5 миллион сўмлик ёрдам уюштирилди.

9 май байрами ҳам жангларда жасорат кўрсатган қаҳрамон жангчиларимизга ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида алоҳида шодиёна билан ўтказилди. Байрам тантаналарида Шовот тумани ҳокими Б.Ражабов уруш қатнашчилари, Афғонистонда бўлиб қайтган йигитларни мубораксбод қилиб, улардан 40 нафарига шу ерда шифобахш маъданли сувлар сиҳатгоҳларига йўлланмалар тарқатиб чиқди ва совға саломлар улашишди.

Жисмоний камолот тўғрисида гапирганимизда сўнгги пайтларда, спорт оламида юз берастган янгиликларни эътироф этмасдан ўтиб бўлмайди. Туман деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмиталарига жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича раис муовинлари штатларини таъсис этилиши бу соҳага бўлган эътиборнинг қай даражада эканлигидан далолат беради.

Туман деҳқончилик саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг спартакиадалар ўтказиб бориши энг яхши анъанага айланиб қолди. Яқинда бўлиб ўтган ХУШ-спартакиадада мавжуд жамоа хўжаликларидан 400 нафарга яқин спортчи ўртасида шахмат-шашка, стол тенниси, катта теннис ва волейбол ўйинлари бўйича ўзаро беллашувлари бўлиб ўтди. Турли спорт ашёлари, кийимкечаклар олишга, илғорларни рағбатлантиришга 100 минг сўм сарфланди.

Туманимиз асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлиб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади.

Утган йили пахта, пилла ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш бўйича белгиланган режалар ошириб уддаланди. Ҳозир кенг эътиборда бўлган ғалла мустақиллигига эришиш борасидаги ишларда ҳам ибратли ютуқлар қўлга киритилди. Аксарият жамоа хўжаликлари уз ҳудудларида истиқомат қиладиган деярлик 50 фоиз аҳолини ғалла билан таъминлаш имкониятига эга бўлдилар. Бу йил 2 минг гектар майдондан бугдой ҳосили олинади. Бу албатта, аҳолининг кам таъминланган табақасини иқтисодий аҳволини яхшилашда муҳим омил бўлади.

Ўлкамизда ёз фасли бошланиши билан болаларнинг ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ҳаёт қайнайди. Бу йилги мавсумда туманимизнинг оромгоҳларида уч навбатда ўқувчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари режалаштирилди. Икки ўриндаги санаторий типидаги ва икки ўриндаги соғломлаштириш оромгоҳларига ҳар навбатда 1290 бола тортилиб, ёзги мавсумда туман меҳнаткашларининг жами 3690 нафар ўғил-қизлари ҳордиқ чиқарадилар. Сўнгги пайтларда қишлоқларда жойлашган мавжуд мактабгача тарбия муассасалари фаолиятини намунали йўлга қўйишда қийинчиликларга дуч келинмоқда. Болалар боғчаларяслилари ишини урганиб уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш чора-тадбирларини кўрдик, ҳар қандай жамоа хўжалиги ёхуд ишлаб чиқариш корхонаси маъмурияти фарзандларимизнинг одоб-ахлоқ, маърифатга кучли ҳавас руҳида тарбиялашга диққат-эътиборини кучайтиришимиз лозим. Биз ана шуни ҳисобга олиб боғча-яслиларнинг иқтидорлик тарбияланувчилари ўрртасида кўрик-танлов ўтказиб бораяпмиз.

Ишлаб чиқаришнинг барча тармоғида аёллар меҳнат қилади. Аёлларни ардоқлаш, уларнинг меҳнатини шарафлаш ва зарур шарт-шароитлар яратиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш бизда азалий бир одатга айланган. Чунки туман хотин-қизлар қўмитаси билан ўтказилаётган «Энг яхши намунали хонадон бекаси»,«Қайнонам онам менинг»,«Истиқлол ва аёл»,«Дин ва аёл», «Бувижонлар даврасида» ва бошқа мавзулардаги тадбирлар, учрашув, кечалар, анжуманлар ишида тарбиявий аҳамияти катта бўлмоқда.

«Қўмитамизда 31 деҳқончилик саноати жамоа ва қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланадиган ташкилотлар жипслашган бўлиб, уларга 17 минг нафардан зиёд кишилар аъзодирлар. Жамоа хўжалиги ва корхоналар ҳисобидан ижтимоий суғурта, касаба уюшма ташкилотлари томонидан бадаллар уз муддатида тўланиб борилади. Бу борада Беруний номли жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Эгамберган Тиллаев, Карим Раҳимов номли жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Жумабой Тожиев, Махтумқули номли жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Исмоил Матёқубов, очиқ турдаги пахта тозалаш заводи касаба уюшма қўмитаси раиси Нуржон Рўзматовларни ибратли ишлари фаолиятларини айтмасдан ўтолмаймиз. Хаёт уз измида давом этаверади. Унинг гўзал бўлишини таъминлаш, мазмунини ошириш биз инсонлар қўлида. Бас, шундай экан келинглар, бу гўзалликнинг мазмун моҳиятини ошириш учун тинмай курашайлик. Зеро, умримиз шу билан янада улуғворлик касб этаверади.

Очил ҲАЗРАТОВ.

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят Кенгашининг VIII пленуми бўлди. Пленум ишида касаба уюшмалари тармоқ қўмиталарининг раислари, мувофиқлаштирувчи туман кенгашлари раислари, йирик касаба уюшмаларининг раислари, хўжалик ва давлат идораларининг раҳбар ходимлари, касаба уюшма вилоят кенгаши пленуми аъзолари иштирок этдилар.

Кун тартибидаги биринчи масала — Узбекистон Республикаси қонунлари ва меҳнат кодекси талаблари асосида меҳнат муҳофазасини ташкил этишда вилоят касаба уюшмалари ташкилотларининг иштироки ва масъулиятини кучайтириш чоралари тўғрисида Кенгаш раиси Э. Р. Ражабов маъруза қилди.

Пленумда республикамиз Президенти И. Каримовнинг республика касаба уюшмалари раҳбарлари ва фаоллари билан 1995 йил 16 мартдаги учрашувида билдирган таклиф ва мулоҳазалари ва республика касаба уюшмаларининг XV қурултойи қарорларини бажариш борасида вилоят касаба уюшма ташкилотларида бажарилган ишлар тўғрисида касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раисининг муовини С. Ж. Мирова маъруза қилди.

Пленумда вилоят Кенгашининг VII-VIII пленумлари ўртасидаги иш фаолияти тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан музокараларда Китоб тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг раиси П. Жуманазаров, вилоят шикастланганлар шифохонаси бош ҳакими Т. Унгбоев, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Н. Абдуллаев, Шаҳрисабз туманидаги Бобур номли жамоа-ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитасининг раиси К. Рузиева сўзга чиқдилар.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Вилоят Кенгаш таркибига яқинда ташкил этилган геология, кўмир, нефть ва газ саноати ходимлари касаба уюшма қўмита раислари вилоят Кенгашининг раиси С. Ҳ. Ҳамроев, алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси Қ. К. Каримов, Шаҳрисабз «Садо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси З. Остоновалар сайландилар.

Пленум ишида вилоят ҳокимининг муовини Р. Раҳмонов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

А. САМАРИДДИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ДАВРА СУҲБАТИ

Яқинда Фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитаси тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси раислари билан «Давра суҳбати» ўтказди.

«Давра суҳбати»да Оққўрғон туман касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Н.Мажидованинг «Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш», Паркент туман қўмитасининг раиси Мухсиддин Ҳасановнинг «Меҳнат қонунчилиги ва иш ҳақи масаласини назорат қилиш» ҳақида, Бекобод шаҳар касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Людмила Игнатенконинг «Ташкилий, малакавий-оммавий ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги маълумотлари тингланди. «Давра суҳбати» йиғилишида тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов, касаба уюшмалари Тошкент вилояти кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири Маҳамаджон Иноғомов қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

«Давра суҳбати»га таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитасининг раиси М.Уринбосарова якун ясади.

О.ЭШОНХОНОВ

Ислоҳот одимлари

ЖИЗЗАХ: «ЎЗЭКЗАЙД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Парда Йўлдошев очиқ турдаги «Жиззахаккумулятор» ҳиссадорлик жамиятига раис бўлиб ишга келгач, жамоа ишида яхши томонга силжиш юз берди. Бу ерда жами 700 киши иш билан таъминланган. Ҳозирча тўрт хил аккумуляторлар ишлаб чиқарилаяпти. Шунингдек, кичик габаритли радиоприёмниклар, машиний электр батарейкалари, кўчма ёритувчи асбоблар ва бошқа радиоэлектрон қурилмаларни таъминлаш учун мўлжалланган сиғими 0,26 ва 0.55 А—соат бўлган герметик дискли никель — қадимий ишқорли аккумуляторлар ҳам ишлаб чиқарилиб сотувга қўйилаяпти ёки буюртма бўйича жойларга жўнатилмоқда.

Корхонада одамларни иш билан таъминлаш бош масала бўлиб турибди. Шу сабабдан бу ерда қўшимча иш жойлари ташкил этишга эътибор берилаяпти. Жумладан, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Яъни туздонлар, тамакидонлар, ҳокандозлар, темир краватлар, чарпалаклар, темир панжаралар, газ плита панжаралари ва бошқалар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Шу йилнинг бошида АҚШнинг Пенселвания штатида жойлашган «Экзайд» корпорациясининг бир гуруҳ ходимлари корхонамизга ташриф буюрди, — дейди Парда Маҳкамович. — Улар ўз корпорациясига қарашли корхоналарни «Жиззахаккумулятор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти базаси асосида кенгайтириш имкони борлигини кўнгилларига тугишди ва бизни ҳамкорлик қилишга чорлади.

Маълум бўлишича, «Экзайд» корпорацияси ташкил бўлганига 100 йилдан ошибди. У асосан турли хилдаги ишқорли ва қўрғошинли аъло сифатли аккумуляторлар ишлаб чиқармоқда. 28 мамлакатда унинг аккумулятор ишлаб чиқарадиган олтмиш учта заводи бор. АҚШнинг ўзида «Экзайд»га қарашли Фединг, АЭМПИТЕР, Бристоль, Манси штатларида аккумулятор заводлари фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов америкаликларнинг «Жиззахаккумулятор» корхонаси билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги хоҳишларини маъқуллади. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси эса ҳамкорликдан ҳар иккала томон ҳам иқтисодий фойда кўришини таъкидлади.

— Мен «Экзайд» корпорацияси мутахассислари таклифига кўра, Америка Қўшма Штатларига бордим, — сўзида давом этди Парда Маҳкамович, —корпорация президентининг қароргоҳи Рединг шаҳрида жойлашган экан. Президент жаноблари билан учрашишга муваффақ бўлдим. Улар корхонамизга Америка технологиясини олиб келадиган бўлишди. Икки ўртада шартнома имзоланди. Шартномага кўра, қўшма корхона «Узэкзайд» деб аталадиган бўлди. Америка томони «Узэкзайд» қўшма корхонамиз учун 5 миллион доллар сармоя ажраталиган бўлди. Қўшма корхона уч босқичда иш олиб боради. Биринчи босқичда йилига 500 минг дона, иккинчи босқичда йилига бир миллион дона аккумулятор ишлаб чиқарилади. Учинчи босқичда эса эски аккумуляторларни қайта ишлаш йўлга қўйилади. Яъни эски аккумуляторлар яшигидан (қутисидан) полифрафилин каби хомашёлар олиниб, улар янги аккумуляторлар тайёрлаш учун ишлатилади.

Корхонамиз республикамиз халқ хўжалигига керакли бўладиган барча турдаги аккумуляторларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Биз буюртма асосида Асака шаҳридаги «УзДЭУ» автомобил заводи ишлаб чиқараётган автомашиналар учун ҳам аккумуляторлар тайёрлаймиз.

«Узэкзайд» қўшма корхонаси ташкил бўлгунга қадар корхонамизда иш жараёнида узилиш бўлмаслиги учун цехлар таъмирлаб қўйилди. Биргина аккумулятор цехимиз йилига 20 минг турли аккумулятор ишлаб чиқариш қувватига эга.

Биз Парда Йўлдошев билан мириқиб суҳбатлашдик. У киши Америкадан катта таассуротлар ва режалар билан корхонасига қайтганига амин бўлдик. Режаларни амалга ошириш учун эса жуда кўп куч сарфланиши керак. Биз нинча, Парда Йўлдошевда куч ҳам, тажриба ҳам, билим ҳам бор. Қолганини вақтнинг ўзи кўрсатади.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ИЗЛАНИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКДА

Вилоят кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмалари кенгашининг Пленуми бўлиб ўтди.

Пленумни кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари, касаба уюшмаси Кенгаши раиси Анна Ишмуҳамедова очди ва ҳисобот маърузаси билан сўзга чиқди.

Анжуманда сўз олган нотиқларнинг сўзларидан шу нарса маълум бўлдики, Сурхондарёда кичик ва ўрта тадбирларни ривожлантириш учун хайрли қадамлар қўйилмоқда.

Музокараларда Жарқўрғон тумани тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси раиси Шермухамед Жовлиев, Қумқўрғон тумани тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси раиси Хушбоқ Омонқулов, тадбиркор Салтанат Юсупова, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Жума Чоршанбиев, Ангор тумани «Қорасув» жамоа хўжалигидан «Савдогар» савдо фирмаси директори Сиддиқжон Усмонов, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси муовини Мансур Зоиров ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбиркорликнинг кенгаш йиғилишида Узбекистон Республикаси кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касабалари Уюшмалари Марказий қўмитаси раиси Чори Шодиев, вилоят ҳокими муовини Нуриддин Остонақулов қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Зулфия КАТТАЕВА.

Иқтисодиёт хабарлари

АНДИЖОН ЎРИНДИҚЛАРИ

Андижондаги «Уз Тонг Хонг» қўшма корхонаси ватанимизда чиқаётган автомобиллар учун ўриндиклар ишлаб чиқара бошлади.

«Узавтосаноат» ассоциацияси ҳамда «Тонг Хонг электрик ЛТД» компанияси ташкил қилган қўшма корхонанинг бошланғич капитали 6 миллион 420 минг АҚШ долларига тенг. Ҳозир бу корхонада меҳнат қилаётган 400 ишчининг деярли ярми «Тонг Хонг электрик ЛТД» компаниясининг корхоналарида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб келган. Яқин орада яна 80 нафар андижонлик ёшлар Жанубий Кореядан менеджерлик дипломи билан қайтади.

Корхонада шу йилнинг охиригача 100 минг дона ўриндиқ чиқариш мўлжалланган, келгуси йилдан эса корхона тўла қувватга тушиб, йилига 700 минг дона ўриндиқ тайёрлаб, Асака заводининг эҳтиёжини бутунлай қондиради.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Америка Президентининг МДҲ давлатларига ёрдам кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Морнингстар ҳамроҳлигида республикамизга 47,5 тонна ҳар хил дори-дармонлар келтирилган эди. Темир йўл орқали икки юз контейнерда турли медицина жиҳозлари ҳам етиб келди.

Америка томони биринчи навбатда республикамиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ногиронларнинг соғлигини қайта тиклаш ва бошқа мақсадлар учун 22 миллион доллар ажратган.

Берилаётган ёрдам асосан Қорақалпоғистон, Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Фарғона водийси вилоятларидаги аҳолига мўлжалланган.

Одамийлик сабоқлари

НОШУКУР БЎЛМАЙЛИК

Пайғамбаримиз Муҳаммад *(САВ)* айтадилар: «Эй одамзод ўғли, қалбингни ибодатга бўшат, уни дунёнинг икир-чикирлари ўраб олиб, ибодат учун жой қолмайдиган бўлиб қолмасин. Қалбингда ҳамиша Аллоҳнинг ёди, Қуръони Каримнинг нури бўлсин, Аллоҳнинг зикрилари-ю, илм ўрганиш иштиёқи бўлсин, сенинг қалбингни тўқбой қилиб, назари пастликдан, очкўзликдан сақлаб, маънан бой қиламан, ризқингни етказиб тураман. Қалбингни Аллоҳдан узоқлаштирсанг, чинакам камбағаллик, очлик сени ўз исканжасига олади, ҳеч қачон ҳеч нарсадан тўймайдиган бўлиб, ҳамиша нафсинг ғами билан яшайсан».

Дарҳақиқат, кўпинча бир нарсага хайрон қоласан киши, қўша-қўша молдунёси бўлган одамлар иқтисоддан нолигани-нолиган, аммо бир амаллаб рўзғор тебратаётган кишилар негадир хотиржам кўринишади.

Нега бугун усти бут, қорни тўқ одамлар нолимоқда? Уларга қарата шундай дегинг келади:«Эй хом сут эмган банда ҳали ғамлаб қўйган мол-дунёингни еб тугатишга умринг етадими, йўқми? Нега, бу тўрт кунлик дунёда жонингни бунчалар қийнайсан? Қаердан биласан, инсон, эртага нима бўлади, ким бор-у ким йўқ? Ҳар бир кунингни ғанимат билиб, кўнглингни шод этиб яшасанг-чи!»

Минг афсуски, ҳозирги кунда ҳам қорни тўйса-да, кўзи тўймайдиган, 10-20 йиллик озиқ-овқат ва бошқа мол-мулки ғамлаб қўйилган бўлса-да, эрта-ю кеч нолийдиган кимсалар жуда кўп. Улар йиғиб-йиғиб яроқсиз ҳолга келиб қолган ва ташлаб юборилган нарсаларнинг уволидан қўрқмайдилар ҳам. Уларнинг бирорта жияни:

- Тоға, менга 1000 сўм бериб турсангиз,- деб сўраб қолгудай бўлса борми, дарров:

- Э, жиян, менда пул нима қилади, бор бўлса ҳаром бўлсин,- демоқдан ҳам тоймайдилар. 15-20 кундан кейин 1000 сўм эмас, 5000 сўм пули ҳаромга чиқиб кетса-да, улар бу Аллоҳнинг жазоси эканлигини тушуниб ета олмайдилар. Ҳа, Аллоҳ қалбни камбағал қилмасин экан.

Агар бирор кишидан қуни-қушни, ошна-оғайни, қариндош-уруғлар манфаат кўриб турсалар, ана ўша кишини ғани дейдилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад САВ айтадилар:

- Дунёнинг ташвишидан бўшанглар, ота-онангиз бетоб бўлса, улардан хабар олинглар, қариндош-уруғ тўй-маърака қилаётган бўлса, уларга ёрдамлашинглар.

Ҳа, бу дунёда ота-она ҳузурида 5-10 кун бўлмай, уларнинг дуоларини олмай, тирикчилик деб ғафлатда қолганлар қанча? Қайтар дунё, деганларидек, бир кун келиб қаттиқ азобланиб, кўзлари кеч очилганлар қанча?

Сиз Аллоҳнинг ёди билан яшанг, албатта, ниятингизга етасиз, Аллоҳга астойдил ишонч билан, ундан нимаики сурасангиз, Аллоҳ беради, мен сурадим, аммо Аллоҳ бермаяпти, дея ҳеч қачон нолиманг. Аллоҳ сизнинг сабрингизни ҳам синовдан ўтказади.

Узгалар сизни хафа қилиб ҳақоратласа, хафа бўлманг, улардан ўч олмоқни ўйламанг, уларни Аллоҳ ихтиёрига топширинг, ҳар ким қилмишига яраша жазосини олади.

Кимки уйқудан уйғониб, соғ-саломат кичик ўлимдан халос бўлганига шукрона айтмай, пул топиш қийинчилиги, бола-чақа боқиш мушкуллиги ҳақида ўйласа, худога ғазаб қилган бўлар экан.

Шундай одамлар ҳам борки, миллион-миллион пули бор-у, ўрнидан туролмайди, оёқ-қўли узига бўйсунмайди. Ана шулар ҳам Аллоҳга тириклиги учун шукрона айтади. Тўғри-да, кўпгина юртлардагидек қон тўкилмай, эрта-ю, кеч бомба портламай, тинчгина ўз ризқимизни териб юрган бўлсак, яна ношукрлик қилсак, инсофдан бўлармикин? Танингиз соғми, ишдан бемалол келиб, болангизни бағрингизга оласизми, кечқурун тинч ухлайсизми - ана шунинг ўзи катта бахт-ку! «Болаларим омонмикин, қайси ўғлим тирик қолди», деб юрганлар борлигини унутманг. Аллоҳга шукур, Ватанимиз тинч, қимирлаган одам нонини топиб еб турибди. Етимлар, ғариблар учун ҳам ҳамма шароитлар яратиб қўйилган, фақатгина бизда бир нарса- қариндош-уруғ, оға-ини, ака-ука уртасидаги меҳр-оқибат етишмаяпти, холос. Ака ўз укасига фоиз қўйиб қарз бераяпти- бу қандай даҳшат! Тижорат деб Муҳаммаднинг уммаклари бир-бирини алдаяпти- бу не қўргулик! Ҳаром йўл билан топган пулига бола-чақа боқмоқда- бу не шармандалик?!

Келинг, азизлар, ҳалол билан ҳаромни ажратайлик, алдов, ғийбат, фирибгарлик, порахўрликдан қайтайлик. Бир-биримизни қўллаб-қувватлайлик, токи қиёматда бир-биримизга ёруғ юз билан қарайдиган бўлайлик.

Мана, мустақиллик шамоли эсяпти, масжидлар очилмоқда, намоз ўқимоқдамиз, фақат амал қилишга келганда оқсаяпмиз. Қариндош-уруғингиз сиздан узоқлашган бўлса ҳам, сиз узоқлашманг, вақт -олий ҳакам, пайти келиб бу ишингиздан ҳам мамнун бўласиз. Ношукурликдан Аллоҳнинг ўзи асрасин, омин.

Ножия биби масчит хатиб-имоми Фозил қори маърузаси асосида ШОМАҲМУД тайёрлади

ПУЛИНГИЗ КИМДА ТУРАДИ?

Бир куни даврада қизиқ гап ўртага ташланди. «Рўзғор учун жамғарилган маблағнинг хўжайини ким? Пул оила бошлиғи эркакда турадими ё рўзғор юритгувчи аёлнинг қўлидами?» Шунда суҳбатдошлар бир-бирига гал бермай, сўзлаша кетишди:

— Бор пулни йиғиб, болаларнинг отасига тутқазаман. Бозор учар у кишининг бўйнида. Мен фақат пишир-кўйдир билан шуғулланаман...

— Уйимизда фармонбиби бор. Пул қайнонамнинг қўлларида туради!

— Хонадонда хазинабон ўзимман.

— Бизда эса умуман пул турмайди...

Бу гапларни тинглаб, ўйланиб қолдим. Турмуш тарзига кўра эҳтиёжларимиз ҳам гоҳ кўпаяди, гоҳ камаяди. Ҳар бир эҳтиёжимизни амалга оширишдан аввал, уйимизнинг «хазинабон»и билан ҳисоблашамиз. Акс ҳолда, оила даромади издан чиқади, у кўпайиш ўрнига камайиб кетади.

Қадимгилардан қолган бир гап бор. «Эру-хотин муштни бир жойга урмаса, рўзғордан барака кетади!» Ҳақ гап. Ахир бир аравани уч томонга тортишиб ўрнидан жилдиролмаганлари ҳақидаги масални эшитганмиз. Шундай экан, оилавий аҳиллик, эру-хотиннинг якдиллигию яктиллиги оила жамғармасининг турғунлигида муҳим аҳамият касб этади. Ана шу жамғманинг эгаси ким бўлишидан қатъи назар, у рўзғор юритиш санъатини яхши билган бўлиши шарт. Оила эгаларидан бири шундай иқтидорга эга экан, демак у рўзғор учун тўлиқ фойда келтира олади.

Оила даромадини кўпайтиришнинг биринчи усули пулни тежашдан иборат. Чунки, рўзғор жамғармасини ҳуда-беҳудага сарфлайвериш яхшиликка олиб келмайди. Тежам бўлмаса, рўзғор даромади емирилади, бора-бора у таназзулга юз тутади. Оила бошлиқлари танг вазиятдан қутулиш учун бошқалардан қарз сурашга мажбур бўладилар. Қарз сураш эса хижолатпазликдир. Жамғармани асраш ҳақида Қобусномада шундай дейилади: «Жам этгандан сўнг яхши сақлагил ва ҳар иш учун уни қўлдан бермагил, нединким сақламоқ йиғишдан кўра мушкулдир. Агар керак вақтида зарур иш учун олиб харж этсанг ҳаракат қилиб унинг ўрнини тўлдиргил...»

Даромадни яхшилашнинг иккинчи усули режа билан иш юритмоқдир. Шу ўринда бир хонадоннинг ички ҳолатини мушоҳада этайлик. Бу хонадоннинг бош эгаси идора хизматчиси, аёли мактабда муаллима. Икки қиз — студент, ўғил мактабда ўқийди. Буларнинг ҳаммасининг эҳтиёжларини амалга ошириш бир вақтга тўғри келиб қолади. Эркак бир сидра янги уст-бош харид қилишни кузга қолдирганди, аёл ҳам бир сидра янги либослар олишни истаб қолади, чунки ўқув йили яқин, бу давр учун студент қизлару ўқувчи йигитчага ҳам деярли яп-янги кийимлар зарур. Бундан ташқари, бир неча вақтдан бери ерда тахланиб ётган китобларни жойламоққа китоб жавони ва меҳмонхона деворига осиш учун гилам ҳам харид қилиш режалаб қўйилган. Агар кўзда тутилган нарсаларнинг ҳаммасини олиш лозим бўлса, ялпи даромаднинг бир чақасиям қолмай сарфланади. Лекин, даромаднинг бир қисмини сақлаб қолиш мумкинку, ахир. Нима қилиш керак? Шундай пайтда режа билан иш юритишнинг хосияти катта. Дейлик, меҳмонхона гилами кейинроққа сурилиб, хонадондагилар учун зарур бўлган китоб жавонини сотиб олган маъқулроқдир. Ё бўлмаса, кийим-кечакларни бутқул янгилашдан кўра энг кераклисини харид-қилган яхшироқ бўлар.

«Оила сабоқлари» рисоласида режа билан иш юритмоқ аввало аёлнинг қўлидадир, деб уқтирилади. «Эр исроф қилгувчи бўлганда ҳам аёл уни яхши тута билувга ўргатмоғи, егуликлар ва бошқа нарсаларни режалаб тутмоғи, керак. «Донни йиққан донодир» дейдилар».

Хуллас, рўзғорга барака киритиш, эрнинг топиб келганини жой-жойига қўйиб сарфлаш орқали оила даромадини кўпайтиришда аёлнинг тадбиркорлиги ниҳоятда зарур экан. Гарчи хонадонда эркак «хазинабон» бўлгани чоғда ҳам, рўзғор юритиш санъати аёл қўли, аёл идроки билан амалга оширилади. Бувиларимиз бу соҳада жуда доно ва уддабурро бўлганлар, Улар рўзғорда «ўзилиш» бўлишига йўл қўйишмаган, бунга эса режа билан иш юритиш туфайли эришганлар!

Оила даромадини ошириш-нинг учинчи усули ҳисоб-китоб йўли билан рўзғор юритишдир. Маълумки, аниқ ҳисоб-китобга асосланган нималарнинг батартиб турмуш тарзи ҳаммамизда ҳавас уйғотади. Аслида, рўзғорни ҳисоб-китоб билан тебратиш энг самарали усул саналади. Чунки, бунда оила ҳаёти бир маромда, тартибли кечади, унда нохушликлар юз бермайди. Хазинада доимо пул бўлади. Қадимгиларнинг ўқтиришича, ҳар бир уй бекаси махсус «сарф-харажат дафтари» тутса маъқул бўларкан. Бундай дафтарнинг афзаллик томонлари кўп, яъни у оиладагиларни сабр-қаноатга ўргатади, натижада исроф-гарчиликнинг олди олинади. Оила даромади шу тарика кўпая боради, рўзғорга кутбарака оқиб киради!

Утиш даври зиддиятларини бошдан кечираяпмиз. Даврнинг шиддат билан илгарилаётганлиги, Оила кичик бир мамлакат. Биз энг аввало ана шу мамлакатнинг қонуниятларини кунт билан ўрганмоғимиз, ана шу мамлакатда тўғри яшай билмоғимиз зарур. Шундагина даврга ҳамнафас, ҳамқадам бўла оламиз. Ўз оиласида тадбиркорлик билан иш юрита билмаган киши ўз юртининг келажагини ҳам аниқ-тиниқ кўра олмайди. Зеро, ҳар бир ишни аввало оиладан бошласак соз, оиламизнинг ютуқларимиз ҳаётнинг сермашаққат пиллапояларидан ўтишимизда мадад бўлади, бизни юрт эзгуликлари сари чоғлайди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

ОИЛА ДАВРАСИДА

СИЗНИ ЭСЛАБ

Бугун ҳаёлларим тўзиган, негадир ёниб кетаётгандайман.Аста -аста ўтган кунларимни эслашга ҳаракат қилдим.

Ҳа сизни соғинаман. Ҳаёлимда доим мени кузатиб турганлек бўласиз. Нега сизга бунчалар ўрганиб қолганимни билмайман...

Икки йил олдин менга айтган сўзларингиз, ҳали-ҳали ёдимда. Шу вақт ичида ҳаётим ўзгарди, келажакка интилишга, қийинчиликларни енгиб ўтишга, орзу-умид билан яшашга ҳаракат қилдим.

Ҳа, Сиз мени ушанда ўзингиздан совутмоқчи бўлдингиз, сизга бўлган муҳаббатимдан бегона қилмоқчи бўлдингиз. Мени эмас кўпроқ ўзингизни ўйладингиз. Мени деб обру-эътибордан, бойликдан ажралиб қолишдан қўрқдингиз.

Энди-энди ҳаммасини унутаётгандим, фақатгина юрагимда мубҳам бир илинж қолганида Сизни яна учратдим.

Нега бунчалар ҳаёт мени қийнамаса...

Учратдиму, афсусландим. Юрагимдаги ярага яна туз сепилгандай бўлди. Бу сизнинг сўзларингиздан келаётган азоб эди. Сизни тинглаяпману негадир Аллоҳга шукр, яратганингга шукр деб қичқиргим келди.

Чунки бу сўзларингизни мен қанчалар кутганимни, шу сўзларни сиздан эшитаман деб не кўйларга тушганимни билсангиз эди!

Ахир ушанда мен сизга «айланиб» бўлувдим. Сизни ўзим билан ҳаётимнинг сўнгги лаҳзасигача олиб бораман, ҳаётни севдим-Сизни севдим, ўзимнинг тириклигимга, ҳақли эканлигимга ишондим. Дунёдаги суянган тоғим Сиз эдингиз. Сизнинг умрингизни тиладим. Агар сизга тикан санчилгудай бўлса, менинг юрагим зирқирайди, агар бетоб бўлсангиз дарди-дунёмга ўт кетади, деб ўйлардим.

Мана орадан икки йил ўтиб, ўзгарибсиз. Ҳа, тўғри айтдингиз «Биз хоҳласак, хоҳламасак бир-биримизни севамиз, унутишга ҳаракат қилсак ҳам унутолмаймиз, узоқдан кўриб қолсак, биз албатта яқинлашишга ҳаракат қиламиз, чунки биз шунинг эвазига яшаймиз», дедингиз. Сиз билан баҳслашмайман. Унутишга ҳаракат қилсамда Сизни унутолмадим.

«Гап обру-эътибор, бойликда эмас, бахтда экан. Йўқотиб қўйган бахтим керак менга»- деган сўзларингиз юрагимга ором эмас, оғриқ келтирганини билсангиз эди.

Сиз ҳаммасига мени айбдор деб биласиз, сизнинг орзу-умидларингиз рўёбга чиқмаганига, ҳаётда адашганингизга мени сабабчи қилдингиз. Айбдорман. Биласизми нега? Бировларнинг мишмиш гапларига ишониб, ўз бахтимни қўлдан чиқардим, бунинг учун умримнинг охиригача узимни кечиролмайман.

Сиз-чи?! Сиз менга аччиқ қилиб нимага эришдингиз? Танлаган йўлингиз шуми? Менга эмас ўзингизга қасд қилдингиз, ўйламасдан қилган ишингизга, ўз хатоингизга нега мени сабабчи қиласиз?

Мен ҳам Сизга аччиқма-аччиқ бошқа бировни бахтсиз қилиб қўйишим мумкин эди-ку?...

Муҳаббат - дейишса кўзимга ёш келади, чунки бу сўзга энди инсон ошиқ бўлсагина кўп нарсани англар экан.

Шоирнинг мана бу мисралари менинг кунглим изҳоридай:

Ҳолбуки орзулардан
жудо бўлганим йўқ,
Юлдуздай кулганим йўқ,
ой каби тулганим йўқ,
Эрта хазон гул
каби саргайиб сулганим йўқ,
Сени эслаб йиглагайман
биринчи муҳаббатим,
Эслаб бағрим тирнагайман
биринчи муҳаббатим!

ДИЛАФРУЗ

Масаллар

КИМНИНГ ОРҚАСИДАН

— Гугурт чақишса, дарров ёнасан. Чўғинг ҳам тез кулга айланади. Менинг чўғим ярқиллаб, печкани узоқ вақт қиздириб туради, — ўтинга гердайди Тошқумир.

— Тошдек қаттиқлигингдан гугурт сени ёқишга ожиз. Мени эса осонгина ёқиш сенга ҳам яхши эмасми? Тўғри, тафтим сенникидан оз, муддати ҳам қисқа. Барибир шу тафтим орқали аланга оласан. Агар мен ҳаракат қилмасам, тошдек қотиб ётаберасан.

КЕККАЙТАННИНГ ҲОЛИ

Гуваладек тош майда тошлар ичида яшашни ўзига эп билмади. Бир баҳонада йўлнинг ўртасида туриб олди. Энди у ёлгиз. Ўтган ҳам тепиб ўтади, қайтган ҳам.

— Қайтанга майда тошлар менинг таянчим — обрўйимни ушлаб туришган экан, — тепкиланавериб «бурди» кетган тош қум-шағалли жойини қўмсарди.

Ғани Абдуллаев,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Қува туман Кенгаши депутати, жонкуяр ва ташаббускор раҳбар Оминахон Исроилова раислик қилаётган мазкур жамоа хўжалиги аъзолари 600 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан, ғалла экилган 325 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш ниятида астойдил ишлаётирлар.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Мулоҳаза

ХУШМУОМАЛАЛИК СИЗЛАРГА ҲАМ ЯРАШАДИ

Автобус бекатга келиб тўхтади. Ҳайдовчи йигит ва унинг ёнидаги кондуктор йўловчилардан бирин-кетин йўлкира ола бошлади.

— Сизнинг карточкангиз қани, бобой? — сўради кондуктор йигит.

— Қара болам, неварам касалхонада эди. Шуни кўрай деб шошиб чиқибманда, қолиб кетибди-я.

— Э, унақа баҳонангиз кетмайди, тезроқ пул тўланг, бўлмаса... Ҳамманинг вақтини олманг, қани чўнтакни кавланг, бобой.

Чол ҳижолатомуз қараб:

— Эртага тўлаб кетарман, болам, аксига олиб пулим ҳам йўқ эдия, — деди илтижоли қараб.

— Э, қанақа боласан, пулга қўшиб инсофингни ҳам ютиб юборганмисан, — деди олдинги уриндиқда ўтирган ўрта ёшли аёл. — Отахон учун мендан олақол пулни.

Чол автобусдан бошини эгиб тушиб кетди. Кондуктор эса аёл берган пулни олгач, ўз стулига ялпайиб ўтириб олди ва:

— Кейинги бекатда тушадиганлар олдинга сурилинглар, — деб бақириб ҳам қўйди.

Кимдир «инсофсиз», яна кимдир «безбет» деди эшиттириб. Лекин у парво ҳам қилмади. Магнитофонни баланд қилиб қўйволиб аллақандай хорижий қўшиққа жўр бўлгандай калласини лиқиллатиб ўтираверди. Деярли ҳар икки бекатда шунга ўхшаш машмаша қайтарилиб, ниҳоят автобус охирги бекатга етиб келди.

Автобусдагилар «худога шукр» дегандай енгил тин олдилар. Ўша куни шу автобусга чиққан жуда кўп кишиларнинг асаблари бузилди.

Ҳақиқатан айрим, кондуктор йигитларимизнинг ҳайдовчининг ёнига ўтириб олиб ган сотаётганига гувоҳ бўласиз. Ахир кондукторнинг вазифаси автобуснинг ичида юриб чипта сотишдан иборат эмасми? Ана ушанда автобусларнинг олд ва орқа эшиклари йўловчилар учун баравар очилармиди, иссиқда терлаб-пишиб, бирбирини туртиб олдинги эшикка ўтишмасмиди.

Шарифа БАҲРОМОВА.

«Нажот бўстони» дан

АЁЛЛАР ХУСУСИДА СЎЗ

Урар бўлса агар киши хотин,
Хотин қўймоқ керак ул киши отин.
Хотин билан эркак асти тенг бўлмас,
Хотин эркак учун ҳатто енг бўлмас.
Эркакни шер қилиб яратди Худо.
Шерга бас келарми бир нозик адо?!
Ҳайбатда дев каби бўлса гар эркак,
Назокат бобида аёл бир чечак.
Эркак бўлса агар бир кучли шамол,
Аёл киши эрур бир нозик ниҳол.
Эркак бўлса агар даҳшатли довул,
Аёл киши эрур мунгайган овул.
Эркак бўлса агар момоқалдироқ,
Аёл киши эрур лолақизғалдоқ.
Эркак ҳисобласа ўзини ботир,
Аёлни қилмагай паришонҳотир.
Эркак бўлса агар чиндан пахлавон,
Аёлнинг кўз ёшин қилмайди равон.
Аёл киши ахир она-ку она,
Онанинг қалбини қилма ғамхона.
Чиранса, кучлининг олдига боргин,
Кучинг етса, майли, бошини ергин.
Ўзингни аёлга тенг қилма бироқ,
Майиб қилиб қўйиб, тортмагин фироқ.
Аёл киши ахир умр йўлдошинг,
Кечалар сирдошинг, кундуз қўлдошинг.
Ор қилиб булурми ахир йўлдошдан,
Айрилиб бўлурми ахир қўлдошдан?
Таниш аёл бўлсин ёқуд нотаниш,
Лозим унга шафқат ўтида ёниш.
Шафқат кўзи билан боққин аёлга,
Беҳаё орзуни солма ҳаёлга.
Дилингда маҳкам тут Расул сўзини,
Қара, Расул қандай тутди ўзини.
Аёлга ҳеч қачон кўтармади қўл,
Қаттиқ гапирмади ё демади «ўл».
Ҳаракат қилдилар қилмоқ учун шод,
Уйидан чиқмади ҳеч қачон фарёд.
Ўғлим, агар сенда бўлса эсу ҳуш,
Хотинга ҳеч қачон кўтармагин мушт.
Расулнинг сўзидан чиқмасанг асло,
Бошингга етмагай юз турли бало.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ.

Бу қизиқ

ҲУСН—ЛАТОФАТ БАХШ ЭТИБ

Косметика жуда қадим замондаёқ ўтган маликаларнинг диққат-эътиборини жалб қилган. Улар ўзларига, хусусан, ўз эрларига хурилиқо кўриниш учун ҳар турли упа-элик, пардоз мойлари тайёрлатиб сурганлар.

Айтишларича, улкан саркарда Юлий Цезарни ва у билан Галлия урушида иштирок этган саркарда Анбонийни машҳур миср гўзали Клеопатра ўзининг ниҳоятда чиройли бурни билан мафтун этган. Тарихчиларнинг шоҳидлик беришича, малика бурни айиқ мойидан тайёрланган махсус малҳам туфайли шу қадар чиройли бўлган экан. Бу мой Клеопатранинг кўрсатмаси билан тайёрланган.

ўрта асрларда Англияда герцог рафиқаси Ньюкастл «Гўзаллик ҳақида рисола» деган асарида хотин-қизларнинг юзларига купорос суртишларини маслаҳат берган. Унинг фикрича, купорос терини янгилаб, юзни ҳамиша оппоқ қиларкан. Шунингдек, бу китобда кучук бола ёғи ҳамда қирилган олма аралашмасидан ёғупа тайёрлаб юзга суртиш ҳам тавсия этилган.

***

1806 йили Парижда гўзаллик Қомуси нашр этилиб, унда илк бор кашф этилган одеколон — «О де Пижон» хушбуй суви ҳақида ҳам гапирилади. Китобда мазкур хушбуй сув киши юзини тоза, тиниқ, кўркам қилувчи асосий воситалардан бири сифатида мақталган.

Шунингдек, ажинларни арпа суви ёки Маккадан келтириладиган бальзам мойи билан кетказиш борасида ҳам маслаҳатлар берилган.

С. ОДИЛОВА тайёрлади.

Мастер-класс

ИЛИ СИНО САБОҚЛАРИ

КУНДУС — ЕТМАК

Бу дорининг кўпинча илдизи ишлатилади.

***

Бу тозаловчи, яра қилувчи, ўткир мазали, ачиштирувчи, қусишни қўзғатувчи, балгам ва қора ўтни кучирувчи.

***

Пес ва доғни, айниқса, қорасини ва сепкилни кетказади.

***

Қутирга жуда фойда келади.

***

Акса урдиради. Бу қулоқни тозаловчи ва чиркини кетказувчидир. Бурун тешикларидаги елларни чиқариб юборади. Ғалвирсимон суякдаги тиқилмаларни кучли очиб, бурунинг ҳид сезмаслик касалига фойда келади.

***

Ични суради, сийдикни ҳайдайди ва сийдик йўлларидаги тошни майдалаб ташлайди.

КИБРИТ — ОЛТИНГУГУРТ

Пес касалига қарши ишлатиладиган дориларданди. Айниқса, олов тегмагани шундай. Сақич билан аралаштирилганда тирноқлаги изларни кетказади. Сирка билан қўшиб доғларга ишлатилади.

***

Яраланган қутирга қўйилади; сақич билан, айниқса, сирка билан ишлатилганда, темираткини тузатади. Натрун билан қўшиб, қичимага қарши бадан ювилади.

Тутатилса, тумовни тўхтатади. Сирка ва асал билан қўшиб, қулоқ эзилганига ишлатилади.

***

КОММУН — ЗИРА

Зиранинг уруғини ичилса, газандаларнинг чаққанига фойда қилади.

***

Зирани сирка билан эзиб искаганда, шунингдек, уни эшиб, бураб бурунга тиқилганда бурун қонашини тўхтатади.

***

Зирани чайнаб, зайтун ёғига қўшиб томизилса, кўз нохинасида ва кўз тагидаги қонталашда фойда қилади.

***

Зирани сув билан аралаштирилган сиркага солиб ичилса, нафас олишнинг қийинлашишида фойда қилади.

***

Зирани зайтун ёғи билан қўшиб, мояк шишига ишлатилади.

***

Зиранинг ўзи, айниқса ёввойиси, тошни майдалайди, томчилаб сийиш, қон сийиши ва ичакнинг бураб оғришида ҳамда қорин кўпчишида фойда қилади.

Саидмурод САИДАҲМАТ тайёрлаган.



Бегуборлик

«Ишонч» устахонаси

АНДОЗА ЯСАГАНДА...

Андозалар ҳар хил, яъни Ловк, бадиий 4-6-8 қиррали курсилар шаклида бўлиши мумкин. Талабалар, ўқувчи шогирдлар билан тайёрлаш, бичиш, шаклини қўлда чизиш мумкин. Расмларга қараб кўчиришни машқ қиламиз. Биринчи галда синф тахтасига рангли, чиройли курсилар бадиий нақшли, безакли шаклларни илиб қўйиб, шунингдек, тайёр ишланган курсиларни стол устига қўйиб, андоза олишни машқ қиламиз. Бир варақ қоғозни тенг иккига букиб, очиқ томонини унга қаратиб, тепасидан 5—7 см. қолдириб, энг четидан расм шаклини ўртасидан ярмини варақка чизиб охири — ўнг томонгача чизиб тушинг. Сўнгра яна бир кўриб чиқиб, дидингизга ёқса чизган чизиғингиз бўйлаб қайчи билан қирқиб чиқинг. Уни варақни очиб андозани картон ёки фанерга кўчириб, 4—6 та ва 8 дона тайёрлаб, бир-бирига рейка қоқиб бирлаштирамиз. 8,6 таси бирлаштгач, устига донра ёки нечта қирра бўлса, қиррали чизиб, арралаб олиб ташлаб, қопқоғини михлаймиз. Бўёқ, лак бериб, безак-нақшлар туширамиз. Иш жараёни қуйидагичадир.

Атрофига рейка қоқиб, 8 та андозани бир-бирига ёпиштириб михлаймиз. 4 донасига рейка қоқилмайди. Андозанинг 1 хили намойиш қилинади. Янада мураккаброқ, чиройли, жозибали, гўзал ирмоқли, эгилган қилиб чизиб ихтиролай берса такомиллашаверади.

Анвархон Аҳмад қори ўғли, олий тоифали меҳнат муаллими



ТОР ПОЙАБЗАЛ АСОРАТИ

Оёқ панжаси тери замбуруғларининг ривожланиши учун қулай жой ҳисобланади. Касаллик ривожланишига оёқнинг терлаши, пойабзалнинг торлиги, ҳаво ўтказмаслиги, намлиги ва бошқалар сабаб бўлади. Оёқ панжа териси доимо нам бўлганида юмшайди, шишиб, яъни буртиб қолади ва натижада замбуруғлар пайдо бўлишига имкон беради.

Замбуруғлар соғлом терида узоқ сақланиши ҳам мумкин. Оёқ панжаси замбуруғли касалликларнинг узига хос хусусияти йилнинг иссиқ фаслида вақтивақти билан зурайиб, қўзғалиб туришидир. Қишда эса гўё у тузалиб кетгандек бўлади. Бироқ касаллик ўзўзидан яхши бўлиб кетмайди, аксинча йилдан-йилга ривожланиб бораверади. Шу хасталикка чалинган одам ўз вақтида даволанмаса, у замбуруғ инфекцияларини теварак-атрофдаги соғлом кишиларга тарқатувчи доимий манба бўлиб қолади.

Аксари ҳолларда касаллик оёқ панжаси бармоқларининг оралиғидан бошланиб, унинг ён томонлари, шунингдек оёқ панжасининг гумбази соҳасидаги терининг пўст ташлаши билан бошланади. Терининг зарарланган жойида оқиш тангачалар пайдо бўлиб, бемор одатда буларга умуман эътибор бермайди. Аммо маълум вақтдан сўнг касаллик навбатдаги босқич-бичилиш даврига ўтади. Бу босқич оёқ кафтига бир-бирига ёпишган пуфакчалар тошиши билан кузга ташланади. Пуфакчалар беморни оғриқ билан безовта қилади. Уларнинг бир қисми қурийди, бир қисми ёрилади ва ўрнида ярачалар ҳосил бўлади. Ярачалар маълум вақтдан кейин қуриб, пўстлоқ билан қоплланган пушти доғлар пайдо қилади. Улар вақтивақти билан қаттиқ қичишади. Бемор ўз вақтида даволанмаса, касаллик сурункали тус олиб, оёқ таги териси қалинлаша боради, бармоқлар ораси тез-тез бичилиб, намланиб қолади.

Оёқ панжаси замбуруғли касалликларнинг олдини олиш учун ҳар бир одам пойабзални тўғри танлаши, оёқни доимо озода тутиши, терлашига йўл қўймаслиги, ҳонада ва кўчада бошқа-бошқа пойабзал кийиши, ҳаммомда эса резина шиппакда бўлиши лозим. Касаллик белгилари пайдо бўлган беморлар дарҳол тери-таносил касалликлари диспансерига мурожаат қилишлари зарур.

Шуҳрат АКБАРОВ,
тери-таносил касалликлари диспансери бўлими бошлиғи.

БУЮК БРИТАНИЯ ТААССУРОТЛАРИ

Эсингизда бўлса биз ушбу ном остида туркум мақолалар бериб бораётган эдик. Навбатдаги мақоламиз тадбиркор ва банк муносабатлари хусусида бўлади.

4. ТАДБИРКОР, БАНК ВА КРЕДИТ

Тадбиркор ўз бизнес ғоясини амалга ошириш учун фақат ғоянинг ўзи, ҳатто қобилият ҳам кифоя қилмайди. Акваториумдаги балиқ сувга муҳтож бўлганидек, тадбиркор ҳам бугунги кунда молиявий мададга муҳтож. Тадбиркор ва банк муносабатларини ўйласак кўз олдимизга келтирсак, кредит ва фойда фоизлари келади.Шу ўринда Буюк Британияда банк ва мижоз, хусусан ишни янги бошлаган бизнесмен билан бўладиган муносабатлар қандай, деган ҳақли савол туғилади. Буюк Британияда кичик бизнес соҳибларига энг кўп кредит берувчи «Натвест» банкининг Мансфильд шаҳар бўлими маслаҳатчиси Жипл Ичан хонимнинг мазмунли маърузаси ва бизга тақдим этилган услубий адабиёт бу ҳақда муфассал маълумот берди.

Банк икки мингдан зиёд шоҳобчаларга эга бўлиб, кўплаб қўшма компаниялар фаолиятида иштирок этади. Масалан, «Ломбард Нетворк сервисез», «Трансамерика Трейлер Лизинг» ва ҳакозолар.Мени таажжубга солгани банкнинг кичик бизнес эгалари билан ишлаши бўлди. Банкнинг 150 дан ортиқ махсус идораларида 4000 бизнес менежерлари фаолият кўрсатмоқда. Гап шундаки, кредит олишни ният қилган тадбиркор энг аввало шу менежерлардан бирига рупара бўлади. Улар махсус тайёрланган менежер-маслаҳатчи тадбиркорнинг бизнес ғоясининг ҳаётийлиги, бизнес режани аниқлиги, тадбиркорнинг қобилиятлилигини урганибгина қолмасдан, унга бутун кредитдан фойдаланиш даврида яхши маслаҳатгўй бўлиб қолади. Зарур ҳолда бу маслаҳатчи 4-6 ҳафтага банк ҳисобидан сизнинг корхонангизга хизмат сафарини уюштириш ва фаолиятингизни чуқур ўрганиши, таҳлил қилиши ва ёрдам кўрсатиши мумкин.

Бунчалик кўп менежер-маслаҳатчига эга бўлиш Банк учун ортиқча сарф-харажат эмас-ми? деган саволимизга, Жипл Иган хоним ҳар бир кредит олувчи тадбиркорнинг муваффақиятли иш юритиши, пухталиги, қолаверса, тўлов қобилиятли бўлиши банк учун ўз маблағини вақтида фойда билан қайтиши учун энг муҳим омилдир - деб жавоб берди. Банк билан мижоз ўртасидаги муносабат тўла ўзаро бир-бирини яхши тушуниш, мунтазам маълумот алмашиш, маслаҳатлашиш ва алоқада бўлиш принциплари асосида амалга оширилади. Мижознинг ютуғи - банкнинг ютуғи, зероки бу ютуқ банкка пулининг қайтиши кафолатидир. Банк кичик ёки ўрта бизнес кишиларига кредит беришда тадбиркорнинг бизнес ғоясига жиддий муносабатда бўлади. Агар бу ғояда янги технология, инновация, янги хилдаги хизмат кўрсатиш илгари сурилаётган бўлса, у «Натвест Технологик Бизнес Менежерига» ёки махсус технологиялар бўйича махсус ўқитилган мутахассисга рўбарў қилинади. У ўз навбатида мазкур бизнес ғоянинг бизнес режасини ишлаб чиқиш, молиявий таъминлаш, корхона эҳтиёж ва имкониятлари, танланган технологиянинг ижобий ва салбий томонлари, жорий грантлар тизимидан фойдаланиш, технологияни харид қилиш, ўрнатиш ва ишга туширишг учун ва бошқа тузиладиган шартномалар тайёрлаш, чиқариладиган маҳсулотни қадоқлаш ва сотишни режалаштириш кабиларда ёрдам кўрсатади. Шундай бўлсада, банкда шунча кўп менежер ишлаши мураккаб жараён.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Узбекистондаги ваколатхонасида Бизнес Инкубаторлар бўйича эксперти жаноб Лучано Лугли бир гал менга - «Ҳар қанча олий маълумотли бўлганингиз билан ҳали яхши менежер эмассиз»,- деб ярим ҳазил, ярим чин гапирганини тез-тез эслаб тураман. Қолаверса, бу жуда катта харажат. Банк ўз менежерларини махсус «Сентрал Профешиз юнит» тизими ва уларнинг турли соҳалар бўйича бўлимлари орқали тайёрлайди. Масалан, Муқаддас Жеймс «Дентал Юнит» бўлимида тиш даволаш муассасаларини банк орқали молиявийлаштириш соҳасида менежерлар тайёрласа, «Тэмпл Бар Ло юнит» бўлими ҳуқуқшунослик билан шуғулланувчи тадбиркорлар билан ишлайдиган менежерлар тайёрлайди.

Кичик бизнесни ривожлантиришда Банк франчайзинг тизимидан жуда кенг фойдаланади. Бугунги кунда унинг 300 миллион фунтдан ортиқ маблағи шу соҳага жалб этилган. Соҳани ривожлантириш манфаатли эканлигини тушуниб етган Банк жойларда 300 дан ортиқ семинарлар утказди. Унинг моҳиятини тушунтирувчи видео ва аудио кассеталар, турли турли брошюралар тайёрлаб тарқатди. «Бизнесингиз франчайзинг усулини қўллаш ҳақида қўлланма», «Франчайзинг савдоси ҳақида қўлланма» ёки шунга ўхшаш махсус қўргазмалар уюштирилгани фикримизга мисол бўлади.

Гапни сирасини айтганда, шахсан ўзим ҳам банк ҳақидаги муфассал маълумотни биз билан суҳбатлашган Жипл Иган хонимнинг сўзларидангина эмас, қўпроқ бизга тақдим қилинган, аслида тадбиркорлар учун тайёрланган қўлланмалардан олдим, десам хато қилмайман. Қанийди, бизнинг банкларимиз ҳам шунга ўхшаш қўлланмаларни нашр этса.

Лондонда савдо-саноат вазирлиги Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлари билан шуғулланувчи бўлими бошлиғи Жонн Слейтс, Лондон бизнес мактаби, Ноттингэм Университети мутахассислари Узбекистондаги вазиятга жуда яхши баҳо бериб, бошланган ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланиб бораётганлигини қайд этдилар.

Маҳаллий «Бизнес стритуайз» журналидаги бир мақола эътиборимни ўзига тортди. «Дориворлар бизнеси» деб номланган мақолада Панжобдан келган қиз Самар Манзур хушбўй дориворлардан турли таомлар тайёрлаш рецептларини қўллаб «Самарқанд» кичик корхонаси очганлиги ва бир йил ичида катта ютуқларга эришгани ёзилган эди. Унинг омади юришида Буюк Британияда қабул қилинган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимлари жуда қўл келгани кўзга ташланади. Бу тизимлар ичида саноат тараққий эттириш учун махсус ҳудудлар эълон қилиш, бу ерда иш бошлаган тадбиркорлар учун алоҳида имтиёзлар кўрсатилиши таъкидланади.

Дарвоқе, Ноттингэм шаҳридаги жомеъ масжидида Руза ҳайит намозини ўқиш шарафига муяссар бўлдик. Тўпланган кўп юз кишилик мусулмонлар жамоасида турли қўшни мамлакатлар вакилларини кўрдик. Маълум бўлишича уларнинг аксарияти тадбиркорлик бизнес билан шуғулланувчи кишилари экан. Қисқаси, биз ўз ишимизнинг ривожи учун хорижий тадбиркорлар тажрибасини ўзлаштиришимиз, уларнинг иш тизимини, ўзимиздажорий этишимиз фойдадан ҳоли бўлмайди.

Козимжон ТУРДАЛИЕВ

ОСИЁ ВА ДУНЁГА БИТТА ХИРОСИМА ЕТАРЛИ

«Марказий Осиё — ядро қуролидан ҳоли зона» шиори остида 14-16 сентябрь кунлари Тошкентда ўтказиладиган халқаро конференцияга тайёргарлик доирасидаги амалий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги давраси тугади. Бу гал юртимиз дипломат ва мутахассисларининг ҳамкорлари Япония халқаро муаммолар институтининг Қуролсизланиш ва ядро қуролини тарқатмасликка кўмак бериш марказининг экспертлари бўлдилар.

Бир йил аввал ташкил этилган бу ноҳукумат ташкилот қуролланиш назорати муаммолари ва унинг даражасини камайтириш, ядро қуролини тарқатмаслик тадқиқотлари билан шуғулланади, халқаро битимлар тизим ва тартиби бўйича амалий ва технологик тавсияномалар беради.

Қуролсизланиш ва ядро қуролини тарқатмасликка кўмак бериш марказининг директори Томоя Кавамура ватанига қайтиши олдидан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Иккинчи жаҳон уруши йиллари атом бомбаси портлашини бошидан кечирган Япония ядровий қуролланиш даражасини пасайтириш, уни тарқалмаслик муаммоларига бефарқ қараб тура олмайди. Шунинг учун японлар бўлажак халқаро анжуманга катта қизиқиш билдирмоқдалар ва сўзсиз уни ўтказиш ташаббусини қўлламоқдалар.

Ҳозирга келиб, сайёрамизда, Антарктидани ҳисобламаганда, ядро қуролидан ҳоли тўртта зона ташкил қилинди. Афсуски, уларнинг бари экватордан пастда жойлашган. Шимолий ярим шар ҳозирча бу борада мақтана олмайди, шунинг учун Марказий Осиёда бундай зонанинг ташкил этилиши янгилик бўлади.

Масаланинг муҳимлиги шундаки, айнан бизнинг ярим шарда кескинлик юқори даражада, кўп йиллик зиддиятлар мавжуд ва қатор минтақавий жанжалларга тўла. Яқин-яқингача бу ердаги вазият келажакка ишонч билан қарашга имкон бермас эди. Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона яратиш, ишонманки, бошқа минтақалардаги, масалан, Яқин Шарқ ёки Жанубий Осиёдаги айнан шундай жараёнларга ҳам туртки беради. Тошкент анжуманининг муҳим халқаро аҳамияти ҳам шундан иборат.

— Тошкентда ўтган консультацияларга қандай баҳо бера оласиз?

— Муҳокама этилган масалалар қўлами жиҳатидан у жуда бой ва фойдали бўлди. Узбекистон Ташқи ишлар вазирлиги раҳбар ва экспертлари, Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар ва минтақалараро тадқиқотлар институти олимлари билан бўлган суҳбатлар чоғида биз нафақат ўзимизнинг минтақа муаммолари бўйича тасаввуримизни бойитдик, балки Ахборот маркази тўплаган баъзи масалалар ва Тошкент конференцияси каби халқаро тадбирларни ўтказишдаги янгиликларга бўлган ўз қарашларимиз билан ўртоқлашдик. Бундай миқёсдаги халқаро анжуманни ўтказиш — жуда мураккаб иш ҳисобланади, аммо менда Узбекистоннинг бундай қийинчиликларни енгаётганига ишонч пайдо бўлди.

Марказий Осиё минтақасида талай муаммолар мерос бўлиб қолди. Унинг замини қаърида анчагина уран заҳиралари бор. Мамлакатларингиз СССР таркибига кирган вақтда бу моддадан ядро қуроли ишлаб чиқаришда фойдаланиларди. Сизлар бу соҳа бўйича маълум билим ва технологияларга, яхши тайёргарлиги бор олим ва мутахассисларга эгасизлар. Шу билан бирга ёнгинангизда кўп йиллик зиддиятларга эга ҳудудлар, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани имзоламаган ёки у бўйича олган мажбуриятларини охиригача бажармайдиган баъзи мамлакатлар мавжуд.

Бу ерда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишни ривожлантириш ҳам ўзига яраша хавфга эга. Минтақанинг зилзилалар зонасида жойлашгалиги, унда давлатлараро очиқ чегараларнинг мавжудлиги, ва бошқалар бунга сабаб бўлиши мумкин. Ядро қуролини тарқатмаслик халқаро ҳуқуқий тартиби мазкур фавқулодда таҳдидларни, шунингдек ядро моддалари ва технологияларнинг тарқалишининг олдини олишга ёрдам беради.

Мен Тошкентда ўзбек ҳамкасбларимдан катта мамнуният билан барча ядрога эга давлатлар вакиллари билан яқин алоқада бўлиб ядросиз ҳудуд бўйича кўп томонлама битимлар тайёрланаётганини эшитдим. Бу ядро қуролини тарқатмаслик механизмларининг самарали таъсири учун жуда муҳимдир.

— Кавамура-сан, мамлакатимиз билан яқиндан танишиш имкони бўлдими?

— Мен Узбекистонга таклиф этилганимдан беҳад мамнунман. Бу мен учун катта омад ва бахтдир. Менинг ёшлигим ортда қолди, лекин бирон-бир янгиликни билишнинг ҳар қандай имкониятини қадрлайман. Айниқса, аввал ҳеч ам бўлмаган ўлкада...

Меҳмондўст мезбонлар бизга Самарқанд ва Бухоро шаҳрини ҳам кўрсатганларидан чексиз миннатдормиз.

Айтиб ўтмоқчиманки, Японияда Марказий Осиё мамлакатларига қизиқиш катта. Минтақанинг географик жойлашиши, улкан табиий заҳираларининг мавжудлиги, улканинг қадимий тарихи, бой маданияти кишини ўзига тортади. Мен ўзим учун ўзбек халқининг табиати, ҳаёт тарзи, дунёқарашида яқинлик борлигини англадим. Меҳнатсеварлик, хушмуомалалик, меҳмондўстлик сифатлари бизларга яқиндир.

Ўзбекистон ва жаҳон

Мен мамлакатларимиз ҳамкорлигининг шўҳчалик жадал ривожланаётганидан, Япония ва Узбекистоннинг икки томонлама муносабатларида мавжуд қўпқиррали алоқаларнинг кенгайишига ҳалал бериши мумкин бўлган муаммоларнинг йўқлигидан жуда хурсандман. Менинг фикримча, айнан Марказий Осиё биринчи бўлиб совуқ уруш давридан қолган «муз»ни эритди. Мен Узбекистон раҳбарлари ва халқининг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун қилаётган сайъ-ҳаракатларини маъқуллайман, бўлажак халқаро анжуман ишининг муваффақиятли ва самарали ўтишига тилакдошман!

О. ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» Ахборот агентлиги шарҳловчиси

ЁЗ ГАШТИ

Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда келажагимиз эгалари бўлмиш ёш авлоднинг униб ўсишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Жойларда кўпгина хайрли ва ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, С. Раҳимов туманининг Қорақамиш мавзесида А. Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғининг тармоғи ташкил этилди. Туман ҳокимлигининг бевосита ёрдами билан 4,5 гектар майдон қайта ободонлаштирилди, мевали ва манзарали дарахтларга ишлов берилди, йўлкалар ажратилди, ўриндиқлар қўйилди, Боғнинг ўртасида эса фаввора қурилди, турли хил жисмоний тарбия машқларини бажариш учун зарур ускуналар келтирилди. Спорт майдончасида «қувноқ тоғча» ташкил этилди. «Лоласа», «Қуёшча», «Бинафша», «Қайиқча» каби аттракцион ўйин жиҳозлари ўрнатилди. Ўйин жиҳозларини ўрнатиш ва ишлатишга Зуннун Ғаффаров, Маҳмуд Салимов, Фаҳриддин Ҳуснидинов, Эльзора Ҳасановалар мутасадди этиб тайинланган. Боғ хизматчилари ўйин бошланишидан олдин болалар билан самимий мулоқотда бўлишади, уларнинг жисмоний имкониятлари ва руҳий ҳолатларини диққат билан кузатишади, ўйинларни ниҳоятда қизиқарли ташкил этишади.

Тармоқ маданият ва истироҳат боғида ҳар дам олиш кунлари шаҳардаги маданият техникуми, Глиэр номли мусиқа-интернат мактаби ўқувчилари концертлар намойиш қилишмоқда. Боғ атрофидаги мактаблар меҳрибонлик уйи, лицей ва гимназияларнинг ўқувчилари, ота-оналар келиб хордиқ чиқаришмоқда. Дам олувчиларга ўз салқин ичимликлар, мўзқаймоқ ва озиқ-овқатлар муҳайё этилган.

— Инсон манфаатлари йилида кишиларга сидқидилдан хизмат қилиш учун кўпгина хайрли ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз, — дейди боғ раҳбари Рустамбек Салимов.

Сўлим масканга йўлингиз тушса, болаларнинг шодон ўйин кулгулари, қийқириқлари устидан чиқасиз. Бу гўшада деярли ҳар куни халқимизнинг 200 дан ортиқ фарзандлари, уларнинг ота-оналари ва шаҳар аҳолиси мириқиб ёз гаштини сурмоқдалар.

Садоқат ФАЙЗИЕВА,
«Ишонч» мухбири.

Бўка туманида бир нечта қишлоқ врачлик пунктлари ишлаб турибди. Суратда ана шундай масканлардан бирининг шифокорлари (чапдан) Ш. Хўжамқулов, Ф. Дадабоева, М. Мирзақулова туман бош врачи А. Раҳматуллаев билан.
Н. АЛМУРОДОВ олган сурат

Спорт

МУАЙ-ТАЙ

Андижон вилояти Избоскан туманининг Пойтуг шаҳрида «Муай-тай» бўйича Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига бағишлаб Избоскан тумани ҳокими соврини учун Республика очиқ турнири ўтказилди. Мусобақада республикамизнинг Фарғона, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Андижон вилоятлари, Тошкент шаҳри терма жамоалари билан биргаликда Қозоғистон ва қирғизистонлик 200 дан ортиқ ўсмирлар ва ёшлар уч кун давомида ғолиблик учун кураш олиб боришди. Айниқса, 57 килограмм вазн тоифасида ғолиб чиққан литвалик Стас Дробязго ҳамда 63,5 килограмм вазнлилар баҳсида биринчи бўлган аргентиналик Ортис Коселларни ҳар бир рингга чиқишларини мухлислар қарсаклар билан кутиб олишди. Спортнинг бу тури бўйича беллашувлар Избоскан туманида ташкил этилиши бежиз эмас. Туманда спортнинг бу тури билан мингдан ортиқ спортчи малакали мураббийлар бошчилигида мунтазам шуғулланишади. Вилоятда «Муай-тай»нинг ривожланишида пойтуғлик халқаро тоифадаги спорт устаси, Андижон вилояти терма жамоаси бош мураббийи Абдулбоқи Юнусовнинг хизматлари каттадир.Мусобақада Андижон вилояти терма жамоаси негизини ташкил этган Избосканлик спортчилар жамоа ҳисобида ғолиб чиқишди. Пойтуг шаҳридаги марказий стадионга ҳар куни беш мингдан ортиқ томошабин ташриф буюришди. Избоскан тумани раҳбарияти, Андижон вилояти спорт қўмитаси ва бир қатор ҳомий ташкилотлар турнирни қизиқарли ўтиши учун қўлларидан келган барча меҳнатларини аяшмади. Мусобақа ғолиблари ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар ва совринлар топширилди.

Ташриф сўнгида рингга халқаро тоифадаги спорт устаси «Муай-тай» бўйича Узбекистон терма жамоаси катта мураббийи тошкентлик Раҳматилла Рузиохунов ва қозоғистонлик Шерали Абдурасулов билан профессионал жанг ўтказишди. Қизиқарли баҳснинг тўртинчи раундида Раҳматилла рақибини аввалига икки бор нокдаунга учратди, сўнгра накаутга учратиб муддатидан олдин соф ғалабага эришди. Республикамизда спортнинг «муай-тай» тури қисқа вақт ичида ривожланиб кетди. Апрел ойининг иккинчи ярмида вакилларимиз Таиландда ўтказилган иккинчи жаҳон чемпионатида битта олтин ва учтадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишиб жамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни қўлга киритишган эди. Республикамизда якка курашнинг «муай-тай» турини ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган, Узбекистон республикаси «муай-тай» федерацияси бош котиби, педагогика фанлари номзоди Замирбек Қосимбеков эса бутун жаҳон «муай-тай» федерацияси вице-президенти лавозимида сайланиши, мустақил республикамизни обрўйи халқаро аренада ошганлигидан далолатдир. Ана шу конгрессда навбатдаги Осиё чемпионатини республикамизда ўтказиш қабул қилинди. Биз 5-6 октябр кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Осиё чемпионати ташкилотчиларига муваффақият, республика терма жамоасига эса омадлар тилаб қоламиз.

Салоҳидин МАҲМУДОВ

УМИДИМИЗ ШУЛАРДАН

1994 йил Вазирлар Маҳкамаси томонидан вилоят марказларида футболга ихтисослашган мактаб-интернатлар ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинганди.

Бу йил мактаб-интернатларда таҳсил олаётган болалар ўртасида илк бор расмий мусобақа ўтказилиши катта воқелик бўлди. Куни кеча республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, республика футбол федерацияси ҳамкорлигида Инсон манфаатлари йилига бағишланиб уюштирилган республика биринчи кичик чемпионатида ўз ҳудудларида ғолиб чиққан Самарқанд, Навоий, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари жамоалари қатнашдилар.

Кескин ўтган баҳсларда Самарқанд вилояти биринчи, Сирдарё вилояти иккинчи ва Фарғона вилояти ёш футболчилари учинчи ўринларни эгаллашди. Беллашувлар якунида мактаб-интернат мураббийлари Узбекистон Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди. Энг яхши ўйинчи деб топилган Д. Белов (Навоий), И. Жалилов (Сирдарё), И. Умаралиев (Фарғона), А. Бекназаров, Ф. Убаев (Самарқанд)ларга ҳам махсус совринлар топширилди.

Абдурашид МАДАЛИЕВ.

Божхона хизмати

«МЕРСЕДЕС 600»НИ ОЛИБ КЕЛИШ ҚАНЧА ТУРАДИ?



Германиядан енгил автомобиль олиб келмоқчи эдим. Уни II гуруҳ ногирони бўлган укамнинг номига расмийлаштирадиган бўлсам, акциз, божхона солиғи ва бошқа тўловларда имтиёзларга эга бўлиш мумкинми? Умуман, хориждан олиб келинадиган автомобилларга қандай тўловлар жорий этилган?

Анвар Ботиров, Тошкент шаҳри.

Дарҳақиқат, жаҳонда бўлгани каби, республикамиз аҳолисида ҳам автомобилга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бораётир. Бу эҳтиёжни қондириш мақсадида мамлакатимизда автомобилсозлик саноатига ҳам асос солинди. Лекин, кишилар талаб-эҳтиёжи рангбарангдир, кимдир «Нексия» ҳайдаса, яна кимдир «Мерседес», «Линкольн» мингиси келади. Хориждан келтирилаётган мазкур автомобилларга қандай солиқ турлари қўлланиши ҳақида сўзлаб беришни Тошкент шаҳар божхона хизмати 22-сонли махсус акциз маскани катта нозири Игорь Абдуллаевдан сўрадик.

— Маълумки, божхона хизмати ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиғини таъминловчи маскан ҳисобланади. Мамлакат чегарасидан чиқувчи ёки кирувчи ҳар қандай моддий қийматлик буюм, маҳсулот божхона хизмати назоратида бўлиши зарур. Улар учун маълум миқдордаги давлат божи тўловлари ҳам белгиланади. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 3 сентябрдаги 304-сонли қарори билан мамлакат ҳудудига олиб кирилаётган баъзи товарларга, шу жумладан, автомобилга ҳам акциз солиғи белгиланди. Ушбу қарорнинг 3-иловасига мувофиқ акциз солиқлари автомобиль двигателининг ҳажмидан келиб чиқиб ундирилади. Масалан, двигателнинг ҳажми 1000 куб см.гача бўлган енгил автомобилдан 1 см3 учун 2,2 ЭКЮ бирлигида акциз солиғи олинади. 1000 куб см.дан 1500 куб см.гача бўлган двигателли автомобилдан 1 см3га 2,3 ЭКЮ бирлигида, 1500 куб см.дан 3000 куб см.гача — 2,6 ЭКЮдан ҳамда 3000 куб см.дан юқори ҳажмга эга бўлган двигателли автомобилдан 1 см3га 2,8 ЭКЮ бирлигида акциз солиғи ундирилади.

Хориждан келтирилаётган автомобилларга, иккинчи навбатда, бож солиғи солинади. Бу солиқ тури автомобиль двигатели ҳамда автомобилнинг шартномавий нархи мезонларидан келиб чиқади. Масалан, 1000 куб см ҳажмдаги двигателли автомобилнинг шартномавий нархидан 40 фоиз (фақат 1 см3га 1,1 ЭКЮ дан кам эмас), 1000 куб см.дан 1500 куб см.гача двигателли автомобил нархидан 45 фоиз (см3га 1,4 ЭКЮ дан кам эмас), шунингдек, 3000 куб см.дан юқори бўлган двигателли автомобилнинг шартномавий нархидан 60 фоиз (фақат 1 см3га 3,0 ЭКЮдан кам эмас) миқдорида бож тўлови ундирилади.

Илова тариқасида айтиш лозимки, Узбекистон Республикаси МДҲ таркибига кирувчи 8 та давлат билан эркин, савдо-сотиқ зонасини барпо этиш тўғрисидаги Битимга имзо чеккан эди. Шу битимга асосан Россия, Грузия, Қозоғистон, Украина, Молдова, Қирғизистон, Беларусь давлатларида ишлаб чиқарилган ва шу ҳудудлардан олиб келинаётган автомобилларга давлат бож тўлови солинмайди. (Акциз тўлови бундан мустасно — И.А) Бундан ташқари, республикамиз жаҳондаги 32 та мамлакат билан савдо-сотиқ, иқтисодий ҳамкорлик қилиш бўйича тузилган Битимга ҳам аъзодир. Ана шу Битимга мувофиқ мазкур мамлакатларда ишлаб чиқарилган автомобиллар мамлакатимизга келтириладиган бўлса, давлат божи бир карра ҳажмда олинади. (Акциз солиғи тўлиғича сақланади).

— Республика ташқарисидан автомобиль олиб кираётган шахсларга яна қандай солиқ турлари қўлланилади?

— Бундан ташқари республика ҳудудида маълум белгиланган товар олиб кираётган жисмоний шахсларга, қайтариб айтаман, фақат жисмоний шахслар, бюджетга 50 фоизлик йиғим тўлайдилар. Олиб кирилаётган товарнинг нархи 1000 АҚШ доллари қийматида бўлса, ундан бу йиғим олинмайди. 1000 доллардан юқори бўлган кўрсаткичнинг 50 фоизи эса йиғим сифатида ундирилади. Масалан, товар нархи 1500 АҚШ доллари қийматида бўлса, 500 долларнинг 50 фоизи, яъни 250 доллар қийматида йиғим солиғи бюджетга олинади.

— Автобизнесчига солинадиган яна бошқа солиқ турлари ҳам мавжудми?

— Асосан юқорида айтилган солиқлар турларидир. Божхона кўрсаттан хизмати учун эса товар нархининг 0,15 фоизи миқдорида оз қийматда солиқ олади, холос.

— Бу соҳада маълум имтиёзлар ҳам бериладими? Масалан, ногиронлар, уруш қатнашчилари ёки Чернобиль ҳалокатини бартараф этишда иштирок этган шахсларга қандай енгилликлар мавжуд?

— Бундай шахсларга ҳеч қандай имтиёзлар белгиланмаган. Фақат ишлаб чиқарилганига 4 йилдан ошган автомобиллар эски ҳисобланиб, уларга маълум миқдорда чегирмалар белгиланган. Чунончи, 1994 йилда ишлаб чиқарилган автомобиль бугунги кунда янги деб эътироф этилади. 1993 йилда ишлаб чиқарилган автомобиль эски ҳисобланади, лекин унга чегирма белгиланмайди. 1992 йилдаги автомобилга шартномавий нархидан 10 фоиз қийматида чегирма белгиланади ва ҳар йил учун 10 фоиздан ошиб боради. Фақат бу чегирма 60 фоиздан ошиб кетмаслиги керак.

— Игорь ака, амалий саволга кўчсак. Масалан, мен Германиядан «Мерседес-Бенц 600» автомашинасини олиб келмоқчиман. Бу автомашинанинг бож тўловлари, акциз солиғи ва бошқа тўловларини қўшганда, қанчага тушади?

— Аввал акциз солиғини ҳисоблайлик. «Мерседес — 600» маркасининг двигатель ҳажми 5998 куб см. ўлчамдадир. Демак, 5998x2,8 ЭКОx17 сўм акциз нархи. Давлат бож тўлови: 3 ЭКОx71 сўм x 5998. Ундан кейин автомашинангиз харид нархидан 1000 АҚШ доллари чегириб олиниб, қолган қийматдан 50 фоиз миқдорида бюджетга йиғим олинади.

Ана шу кўрсаткичлар сиз айттан автомашинанинг бож ва акциз солиқларини ташкил этади.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Нодир АЛИМОВ суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ НАШРИ ИШОНЧ

Бош муҳаррир: САЙДАКРОМ САЙДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАҒАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ҲОЖИҚУЛОВА, Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.
Газетага 1994 йил 14 январда Узбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0458. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21.00. Масъул навбатчи : Маҳбуба ҲАЙИТОВА 1 2 3 4 5 6